

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

36-сон
(224)
2006 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртиничи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.



МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

357. «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-44-сон Қонуни

358. «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-45-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

359. «Пахта толасини сотиш ва унинг учун хисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарори

360. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори

Учинчи бўлим

361. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада та-комиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 августдаги 366-сон қарорига 2-иловага ўзгартириш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 сентябрдаги 189-сон қарори
362. «Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори

Бешинчи бўлим

363. «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга қўшимча киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 26 августдаги 21/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 сентябрда 905-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
364. «Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига топширган пахта хосилидан уларга тегишли бўлган пахта шелуха ва кунжарасини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 4 августдаги 169-сонли буйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 7 сентябрда 1621-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2006 йил 2 сентябрдан 8 сентябргacha бўлган маълумот

+

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОИЧИЛДИРИКИ

**357 Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль
протоколига киритилган тузатиши (Пекин, 1999 йил
3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 20 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда
маъқулланган

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган
тузатиши (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,
2006 йил 7 сентябрь,
ЎРҚ-44-сон

-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНОНИ

**358 Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль
протоколига киритилган тузатишни (Монреаль,
1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш түғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 20 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда
маъқулланган

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган
тузатиш (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 сентябрь,
ЎРҚ-45-сон

—

+

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

359 Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида

Пахта толасини ишлаб чиқариш ва сотишда бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий қилиш, республика пахта толаси бозорида ракобат мухитини яратиш, пахта толаси ва пахта маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилишнинг жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган шаклларини жорий этиш максадида:

1. Белгилансинки, пахта толасини сотиш ҳар йили тасдиқланадиган баланс кўрсаткичларига мувофиқ қўйидаги асосий йўналишлар бўйича:

экспортга ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ҳамда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали;

республика истеъмолчиларига — кимошди ва биржа савдолари асосида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали амалга оширилади.



Республиканинг алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга тармоқлари корхоналарига пахта толаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори бўйича «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари (ҲАБ) билан тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида сотилиши мумкин.

2. Қўйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ:

пахта толасини сақлаш ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериш фақат ихтиослаштирилган минтақавий пахта терминалларидан амалга оширилади;

пахта толасини хорижий ва республика истеъмолчилари, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан сифати ва массаси бўйича узил-кесил қабул қилиб олиш ихтиослаштирилган минтақавий пахта терминалларида амалга оширилади;

республика истеъмолчилари, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан сотиб олинган пахта толасидан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва у қайта сотилиши мумкин эмас.

3. Қўйидагилар:

Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек Пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХБ)нинг валюта майдончаси орқали очик биржа савдоларида пахта толасини қайта ишлайдиган республика истеъмолчиларига, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек Ҳисоб-китоблар схемаси 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХБ) орқали кимошди савдоларида миллий валюта (сўм)га сотиш ва унинг учун «Пахтасаноат»

худудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида-ги низом, шунингдек Пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси З ва За-иловаларга мувофиқ;

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш тартиби тўғрисидаги низом 4-илова-га мувофиқ тасдиқлансан.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларни, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон «Сифат» маркази, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилишда юқорида кўрсатилган низомларда белгиланган тамойиллар, механизм ва талабларга катъий риоя этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мазкур қарорнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатсан. Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилишда белгиланган тартибни бузган айбор мансабдор шахсларни қонунда назарда тутилган жавобгарликка, хатто жинои жавобгарликка тортсан.

5. Пахта толасини сотувчи ташки савдо компаниялари учун комиссионерлар сифатида солиқ тўлаш ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2007 йил 1 сентябргача бўлган муддатда терминалларда бир йўла сақланадиган пахта толаси ҳажмларини 5-иловага мувофиқ 400 минг тоннагача кўпайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсан.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги терминаллар раҳбарлари лавозимларига кадрларнинг самарали танланишини, уларнинг ҳар йили аттестациядан ўтказилишини ва мақбул равища алмаштириб турилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК пахта тозалаш саноати корхоналарида, минтақавий пахта терминаларида, шунингдек пахта толасини темир йўл орқали ташишда ёнгин хавфсизлиги ҳолати устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

8. 6-иловага мувофиқ айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон «Сифат» маркази, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирасин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазари Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 август,
№ ПК-456

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 29 августдаги
ПҚ-456-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг
«Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан
хисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаларининг пахта тозалаш заводлари (кейинги ўринларда етказиб берувчилар деб аталади) томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси ташқи савдо компанияларига (кейинги ўринларда сотиб оловчилар деб аталади) тузилган шартномаларга мувофиқ уни миңтақавий пахта терминалларига (кейинги ўринларда терминаллар деб аталади) етказиб берган ҳолда сотилади.

2. Етказиб берувчилар билан сотиб оловчилар ўртасида пахта толасини сотиш бўйича ўзаро муносабатлар мазкур Низом, Ўзбекистон Республикасининг бошқа конун хужжатлари ҳамда икки томонлама шартномалар билан белгиланади.

II. Пахта толасини сотиш юзасидан бош битимлар ва шартномалар тузиш

+

-

3. Календарь йил бошида етказиб берувчилар билан сотиб оловчилар ўртасида етказиб берувчилар ва пахта етиштирувчи хўжаликлар билан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ жорий йилда кутилаётган пахта хом ашёси ҳосилидан пахта толаси харид қилиш юзасидан бош битимлар тузилади.

4. Бош битимда:

жаҳон бозорида талаб қилинадиган тегишли саноат навлари ва типларидағи пахта толаси ишлаб чиқариш учун пахта хом ашёсинган аниқ селекция навлари;

пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмларидан ҳамда гўза навларининг жойлаштирилишидан келиб чиқиб, кейинчалик экспорт қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш учун терминалларга етказиб бериладиган пахта толасининг хисоблаб чиқилган ҳажмлари;

жорий йилнинг сентябрь—декабрь ойлари ва келгуси йилнинг январь—август ойлари даврида сотиб оловчилар томонидан сотиб олинадиган пахта толаси ҳажми бўйича шартномалар тузишнинг дастлабки муддатлари белгиланади.

5. Бош битимга мувофик:

амалда экилган пахта майдонларини апробациядан ўтказиш натижалари ва кутилаётган ҳосил бўйича жорий йилнинг сентябрь—декабрь ойларида кейинчалик экспорт қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга эркин муоммаладаги валютага сотиш учун терминалларга пахта толаси етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади;

ҳосилни ўзиштириб олиш ва жорий йилда тайёрланган амалдаги пахта хом ашёси бўйича келгуси йилнинг январь—август ойларида, кейинчалик экспорт қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга эркин муоммаладаги валютага сотиш учун терминалларга пахта толаси етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади.

6. Бош битимга мувофиқ тузиладиган шартномаларда етказиб бериладиган толанинг ҳажми, нави, типи, класси ва бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича барча асосий параметрлари, транспортда ташиш шартлари ва юклаб жўннатиш муддатлари, ўзаро хисоб-китоб қилиш тартиби, форс-мажор холатлари, тузилган шартномаларни бажариш шартлари бўйича мулкий ва бошқача жавобгарлик, низоли масалаларни кўриб чиқиши тартиби белгиланади.

III. Пахта толаси учун нархлар белгилаш тартиби

7. Сотиб олувчилик томонидан пахта толасини кейинчалик экспортга ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш учун харид қилиш белгиланган тартибда етказиб берувчилик билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

8. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари томонидан сотиладиган пахта толасига шартномавий нархлар жўннатишнинг CIP-пахта терминали шартлари бўйича қўйидаги тартибда белгиланади.

Дастлаб толани терминалга етказиб беришдан олдинги кунда (ёки ушбу Низомнинг 25-бандига мувофиқ ҳаки олдиндан тўланган санада) «Биринчи» нави, «Ўрта» класс, 5 тип, 35-код пахта толасининг 1 тоннаси учун «Коттон Оутлук»да эълон қилинадиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистондаги компоненти котировкаларининг ўртacha қўймати (базис нарх) аникланади (АҚШ долларида). Ушбу нархдан келиб чиқсан ҳолда пахта толасининг бошқа навлари ва классларининг нархлари мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ коэффициентлар кўлланган ҳолда аникланади.

Шартномавий нарх юкорида қайд этилган тартибда аникланган нарх ва қўйида кўрсатилган пахта толасини сотиш бўйича сотиб олувчиларнинг хисоблаб чиқилган чекланган харажатлари ўртасидаги тафовут тарзида аникланади:

пахта толасини терминалларда сақлаш ва сугурта қилиш, (фитосанитария сертификати бериш ва республика худуди бўйлаб ҳарбийлаштирилган кўриқлаш учун тўловни қўшган ҳолда) CIF — Шимолий Европа портларигача ташиш, юклаш-тушириш, фумигация қилиш ва портларда белгиланган, CIF — Шимолий Европа портлари шартларини бажариш учун мўлжалланган норматив муддатлар доирасида портларда сақлаш харажатлари;

пахта толасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келишилган тарифлар бўйича сертификатлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази (кейинги ўринларда «Сифат» маркази деб аталади) ва кип массасини тарозида тортиш харажатлари;

пахта толасини декларациялаш ва божхонада расмийлаштириш харажатлари; банк харажатлари (банкнинг маблағларни ўтказиш, аккредитив очиш, юклаб жўннатиш ҳужжатларини текшириш учун кафолатлари, воситачилик ҳаки ва бошқа харажатлари);

«Ўзташқитранс» ДАКнинг экспедиторлик хизматлари қийматининг 2 фоизигача микдордаги воситачилик ҳаки;

ташқи савдо компанияларининг асосий фаолият бўйича харажатларига даромадлари, етказиб берувчилардан сотиб олинадиган пахта толаси учун хисоб-китоб қилиш мақсадида сотиб олувчилар томонидан жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кредитлари бўйича фоизларни тўлаш харажатлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» юшмаси билан биргаликда ташқи сав-

до компанияларининг пахта толаси сотиш бўйича харажатларининг чекланган миқдори ҳисоблаб чиқарилади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритилади. Пахта толаси сотиш бўйича харажатларнинг тасдиқланган чекланган миқдори Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан етказиб берувчилар ва сотиб олувчиларга етказилади.

10. Ташқи савдо компаниялари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиладиган пахта толасининг шартномавий нархлари юклаб жўнатиш санасидаги «Коттон Оутлук»да чоп этиладиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистон компоненти котировкаларига мувофиқ ҳосил бўладиган жаҳон нархларидан келиб чиқсан ҳолда, 15 фоиз миқдоридаги чегириш ва шартномавий нархнинг 1,0 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ташқи савдо компанияларининг воситачилик ҳаки билан аниқланади. Бунда Ўзбекистон «Сифат» марказининг (сертификатлаштириш ва тарозида тортиш бўйича) харажатлари, банклар, пахта терминаллари хизматлари, шу жумладан пахта толасини терминалларда сугурта қилиш бўйича харажатларга ташқи савдо компаниялари ихтиёрида коладиган маблағлар ҳисобига ҳақ тўланади.

11. Шартномавий нархлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги стандартларининг барча мажбурий талабларига мувофиқ бўлган пахта толаси учун белгиланади.

12. Сотиб олувчилар етказиб берувчилардан сотиб оладиган пахта толасининг шартномавий нархи нетто массага қайта ҳисоблагандан (улгуржи нархлар преискурантида келтирилган формула бўйича) преискурант улгуржи нархдан ва пахта толасини етказиб бериш, тушириш ва терминалларда саклаш харажатларидан, шу жумладан етказиб берувчиларнинг воситачилик ҳакидан кам бўлмаслиги керак.

+

13. «Микронејер» кўрсаткичи қийматлари белгиланган нормалардан (3,5 дан 4,9 гача) юқори ёки паст бўлганда пахта толаси учун пахта толасига улгуржи нархлар преискурантида кўрсатилган шкалага мувофиқ I-II-нав пахта толасининг шартномавий нархидан чегиришлар кўлланади.

-

Пахта толасини экспорт қилиш бўйича харажатларни чегириш ҳар қайси нав, класс ва тип нархи аниқлангандан кейин амалга оширилади.

14. «А» индекси ва унинг «Коттон Оутлук» Ўзбекистон компоненти котировкаларининг ҳар кунлик қийматлари «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаларига етказилади.

IV. Экспортга сотиша пахта толасини юклаб жўнатиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

15. Сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар пахта толасини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларда етказиб бериш шартларини ва ҳисоб-китоб қилининг асосан аккредитив шаклини белгилайдилар, бунинг учун етказиб берувчига хизмат кўрсатадиган банкда тегишли ҳисоб рақамлари очилади.

16. Шартнома шартларига мувофиқ сотиб олувчилар ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) чақириб олинмайдиган, ҳужжатли, қопланмаган, бўлинмас аккредитив очишига ариза тақдим этади. Аккредитив суммаси етказиб бериш ойининг навбатдаги ўн кунлигига етказиб бериладиган пахта толаси қийматининг 100 фоизини ташкил этади.

Ташқи савдо компаниялари томонидан ушбу бандда кўрсатилган аккредитив очиши муддатлари бузилган тақдирда ташқи савдо компанияларининг билдиришномаларида кўрсатилган юклаб жўнатиш муддатлари бажарилмаганлиги учун «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари жавоб бермайди.

17. Аккредитив очишнинг барча шартлари етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги шартномада қайд этилади.

Етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги шартномада қўйидагилар бўлиши керак:

эмитент банкнинг номи;

етказиб берувчини аккредитив очилгани тўғрисида хабардор қилиш усули;

аккредитив бўйича маблағ олиш учун етказиб берувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

пахта толаси юклаб жўнатилгандан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар;

бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

18. Харидорнинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамидан аккредитив суммаси 22602 «Аккредитивлар бўйича мижозлар депозитлари» баланс ҳисоб рақамига ўтказилади. Айни бир вактда аккредитив суммаси эмитент банк томонидан кутилмаган ҳолатлар хисоб рақамига кирим қилинади.

Етказиб берувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда (ижро этувчи банкда) аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисоб рақами очилади.

19. Ижро этувчи банкда қопланмаган аккредитив ҳисоб рақами очища эмитент банк бажарувчи банкнинг биринчи талабига кўра, ҳужжатлар тақдим этилган тўлов суммасини аккредитивлар шартларига қатъий мувофиқ равишда етказиб берувчининг аккредитив ҳисоб рақамига ўтказади.

20. Маблағларни ўтказиш юзасидан эмитент банкка қўйиладиган талаб етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартлари бажарилган тақдирда тақдим этилади. Маблағларни аккредитив ҳисоб рақамидан етказиб берувчининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш унинг томонидан ижро этувчи банкка етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган аккредитивнинг барча шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади.

21. Аккредитивдан тўлаш учун тузилган шартномалар шартларига мувофиқ пахта толаси етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар банкка аккредитив амал қиласидан муддатда тақдим этилиши керак.

22. Ижро этувчи банк етказиб берувчи тақдим этган ҳужжатларнинг аккредитив шартларига мувофиқлигини, шунингдек товарнинг етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириши шарт.

Аккредитив шартларининг хатто биттаси бузилган тақдирда ҳам маблағларни етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш тақиқланади.

23. Аккредитивдан фойдаланилишига қараб эмитент банк қисман тўланган суммани кутилмаган ҳолатлар ҳисоб рақамини ёпиш билан биргаликда сотиб олувчиларнинг ҳисоб рақамидан банкнинг воситачилик ҳисоб рақамига ҳисобдан чиқарди.

24. Ижро этувчи банкдаги аккредитивни ёпиш:

аккредитив муддати тамом бўлгач амалга оширилади. Ижро этувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида эмитент банкни хабардор қиласиди;

аккредитив муддати тамом бўлгунга қадар тақдим этилган ва агар бу аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса етказиб берувчининг аккредитивидан бундан кейин фойдаланишни рад этиши тўғрисидаги аризаси бўйича амалга оширилади. Эмитент банкка ижро этувчи банк томонидан билдиришнома юборилади;

сотиб олувчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисидаги аризаси бўйича амалга оширилади, агар бу аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса. Аккредитив эмитент банкдан 22602 «Аккредитивлар бўйича мижозлар де-

позитлари» хисоб ракамидан ортиқ бўлмаган суммага хабар олинган кунда ёпилади ёки камайтирилади.

25. Сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар ўзаро келишувга кўра келгусидаги етказиб бериш учун олдиндан ҳақ тўлаш шартларида хисоб-китоб қилишлари мумкин, бунда сотиб олувчилар олдиндан тўланган ҳақ суммасига тўлов ўтказилган сана учун пахта толаси ҳажмига шартномавий нархни қайд қилиш ҳуқукига эгадирлар.

Сотиб олувчилар томонидан тўланган ҳақ ўтказилган сана учун пахта толаси ҳажмига шартномавий нарх қайд этилмаган тақдирда пахта толасининг шартномавий нархи у етказиб берилган сана учун қайд этилади.

Сотиб олунадиган пахта толаси қийматининг бир қисми учун олдиндан ҳақ тўлашда ҳақнинг қолган қисми аккредитив бўйича тўланади.

26. Пахта тозалаш заводлари пахта хом ашёсини қайта ишлаш давомида пахта толасини терминалларга етказиб бериши олинган билдиришномаларга ва сотиб олувчининг топшириқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

Сотиб олувчилар билан хорижий харидорлар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўртасида тузилган контрактларга мувофиқ терминаллар пахта толасини юклаб жўнатишни ташки савдо компанияларининг юклаб жўнатиш йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

27. Пахта заводлари томонидан терминалларга ташки савдо компанияларининг билдиришномаларисиз ёки ташки савдо компанияларининг билдиришномаларида кўрсатилган сифат кўрсаткичларига мувофиқ бўлмаган юклаб жўнатиладиган пахта толаси туркуми терминал томонидан масъулиятли сақлаш тўғрисидаги далолатномалар расмийлаштирилган ҳолда масъулиятли сақлаш учун қабул қилинади.



Ташки савдо компаниялари томонидан янги билдиришномалар ёзилган тақдирда «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари пахта толасини ушбу билдиришномалар хисобига пахта заводларидан етказиб берилаётган ёки терминалларда масъулиятли сақланётган пахта толаси ҳажмидан етказиб бериши мумкин. Ёзилган билдиришномаларга мувофиқ муайян туркум масъулиятли сақлашдан ташки савдо компаниялари балансига ўтказилган тақдирда қабул қилиш далолатномаси ёзилади. Да-лолатномада қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган сана туркумни масъулиятли сақлашдан сотиб олувчининг мулкига ўтказиш санаси хисобланади.

Шартнома шартларига мувофиқ етказиб берувчилар пахта толаси терминалларга етказиб берилган санадан бошлаб 2 календарь кундан кечикмай шартномавий нарх бўйича миллий валютада ҳақ тўлаш учун пахта толаси терминалга етказиб берилганлигини тасдиқловчи хужжатларни (илова қилинган транспорт-юк хатлари, пахта тозалаш заводларининг хисоб ракамлари-сертификатлари ва Ўзбекистон «Сифат» марказининг Мувофиқлик сертификатлари ва Инспекция далолатномалари билан биргаликда тўлов учун хисоб ракамларини) ижро этувчи банкка («Пахта-банк» бўлинмаларига) ёки ҳақи олдиндан тўланган тақдирда ушбу хужжатлар бўйича тўловни талаб килмасдан, сотиб олувчиларга тақдим этадилар.

Пахта тозалаш заводи ва терминал вакиллари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси санаси етказиб берилган сана хисобланади.

Пахта толаси сифати ва вазни Ўзбекистон «Сифат» марказининг Мувофиқлик сертификати (Инспекция далолатномаси) бўйича кўрсаткичларга мувофиқ бўлмаган тақдирда ушбу масала бўйича келишмовчиликлар тасдиқланган тақдирда унинг билан боғлиқ барча кўшимча харажатлар Ўзбекистон «Сифат» маркази хисоб ракамига тегишли бўлади, етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги хисоб-китоблар эса далолатномалар 5 кун муддатда кўриб чиқилгандан кейин ушбу пахта толаси туркумининг амалдаги сифати ва вазни асосида амалга оширилади.

28. Хар ойда хар ойнинг 5-кунигача, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи билан, етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисоб рақамлари асосида етказиб берувчи ва сотиб олувчи томонидан оралиқ таққослаш далолатномаси тузилади (ушбу Низомга 2-илова). Таққослаш ҳақиқатда юклаб жўнатиш ва олдинги ойнинг тўлов суммаси бўйича амалга оширилади.

Бунда пахта толасининг ҳажми, сифати ва нархи билан боғлиқ низоли масалалар бўйича томонлар эришган келишув ҳисобга олинади.

Таққослаш далолатномалари натижалари бўйича ҳисоб-китоблар етказиб беришдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай амалга оширилади.

29. Муайян йил хосили бўйича тегишли йил пахта толасини юклаб жўнатиш тугаллангандан кейин 30 кун мобайнida ўзаро таққослаш далолатномалари тузилади (ушбу Низомга 3-илова).

Ҳосил бўйича узил-кесил ҳисоб-китоблар ўзаро таққослаш далолатномаси белгиланган тартибида расмийлаштирилгандан кейин 14 кун мобайнida амалга оширилади.

30. Сотиб олувчиilar етказиб берувчиilar билан ҳисоб-китобларни пахта толаси сотиш юзасидан контрактлар бўйича тушган маблағлар ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширадилар.

31. Сотиб олувчиilar пахта толасини сотувнинг самарали усулларини қўлланган ҳолда, жаҳон нархларининг энг қулай конъюнктураси даврларида сотадилар.

Пахта толасини етказиб берувчидан сотиб олиш нархлари билан экспортга амалда сотилган нархлар ўртасидаги ижобий ёки салбий тафовут, шу жумладан сотиш харажатларини тежаш сотиб олувчиларнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларига тегишли бўлади.

— V. Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш тартиби +

32. Пахта толасини республика ҳудудидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш ташки савдо компаниялари орқали, уларнинг буюртманомалари мувофиқ, эркин муомаладаги валютага чекловларсиз амалга оширилади.

33. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ҳар йили тегишли ташки савдо компанияларига пахта толаси харид қилиш юзасидан буюртманомани унинг ҳажми, навлари, типлари ва бошқа сифат қўрсаткичларини кўрсатган ҳолда, пахта толасини жорий йилнинг сентябрь—декабрь ойларида харид қилиш учун 1 июлгача ҳамда келгуси йилнинг январь—август ойларида харид қилиш учун 1 декабргача тақдим этади.

Ташки савдо компаниялари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг буюртманомаларини тўлиқ ҳажмда «Пахтасаноат» ҲАБ билан тузиладиган бош битимда ҳисобга оладилар ва буюртманомаларни пахта толасини ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланишни прогнозлашда жамлаш ҳамда ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этадилар.

34. Ташки савдо компаниялари бош битимга мувофиқ пахта толаси ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланишнинг прогноз қилинаётган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан пахта толаси етказиб бериш юзасидан сентябрь—декабрь ва январь—август даври учун алоҳида алоҳида контрактлар тузишади.

35. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сотиб олинадиган пахта толаси учун ҳақнинг 15 фоизини олдиндан тўлайдилар, узил-кесил ҳисоб-китобни пахта толаси улар билан тузилган контрактларда назарда тутилган шартларда етказиб берилган санадан бошлаб 90 кун мобайнida амалга оширадилар. Пахта толаси қийматининг қолган 85 фоизи учун аккредитив очилади ёки банк кафолати бери-

лади. Ҳисоб-китоб қилишнинг худди шундай тартиби терминалларга етказиб берилган ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиладиган пахта толаси юзасидан сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар ўртасида ҳам белгиланади.

Бунда ташки савдо компанияларига хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга етказиб берилаётган пахта толаси қийматининг 85 фоизини кафолатли таъминлаш сифатида, олдиндан тўланадиган ҳакни ёки мазкур корхоналарнинг маҳсулотларини сотиб олувчилар томонидан ташки савдо компаниялари фойдасига очиладиган аккредитивларни қабул қилишга руҳсат берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар маҳсулотларини экспорт қилишдан ташки савдо компаниялари ҳисоб рақамига тушган тушум корхоналар томонидан етказиб берилган пахта толаси қиймати чиқариб ташланган ҳолда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 50 фоизли валюта тушуми мажбурий сотилгандан кейин ушбу корхоналарнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

36. Сотиб олувчилар етказиб берувчилар билан узил-кесил ҳисоб-китобларни, сотилган пахта толаси учун хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатидан қатъи назар, шартномаларга мувофиқ амалга оширадилар.

37. Пахта толасини терминаллардан юклаб жўнатиш ташки савдо компанияларининг юклаб жўнатиш йўриқномалари бўйича ташки савдо компанияси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўртасида имзоланган контрактларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

Бунда:

+ пахта толаси учун ҳисоб-китоб мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ етказиб бериш кунида шаклланган жаҳон нархларидан келиб чиқиб амалга оширилади;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан пахта толасини сотиш счёт-фактураларда пахта толасининг улгуржи-бериш нархида қўшилган қийматга солиқ суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

38. Агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона юклаб жўнатилган пахта толаси туркуми учун тўловни ушбу Низомнинг 35-бандида белгиланган муддатларга риоя қилмасдан, ўз вақтида амалга оширмаса, мазкур корхонага келгусида пахта толаси жўнатиш тўхтатилади.

39. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ташки савдо компанияларидан чегириш билан сотиб олинган пахта толасидан факат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва у қайта сотилмайди.

VI. Пахта толасини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари томонидан сотишдан олинган маблағлардан фойдаланиш

40. Пахта толаси учун ташки савдо компанияларидан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига тушган маблағлардан:

пахта хом ашёсини қайта ишловчилар (пахта тозалаш заводлари) билан амалдаги прейскурант улгуржи нархлар бўйича ушбу Низомнинг 41-бандида назарда тутилган тартибда ҳисоб-китоб қилишда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган воситачилик ҳаки миқдорида ўз харажатларини коплашда;

пахта толасини терминалларга етказиб бериш, уни тушириш ва терминалларда қабул қилиб олиш, етказиб берувчи ва сотиб олувчилар вакиллари (терминаллар) ўртасида қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилгунгача сақлаш,

шунингдек (пахта толаси экспорт қилинмайдиган бўлганда) нормативдан ортиқча сақлаш харажатларини қоплашда фойдаланилади.

41. Пахта толаси қийматини тақсимлаш преискурант улгуржи нархлар бўйича: хом ашё (пахта хом ашёси)нинг эквивалент қиймати маблағларига тақсимланади, уларни «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари пахта хом ашёси қийматини хўжаликларга тўлаш учун берилган кредитни қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказади;

қайта ишлаш корхоналарининг харажатларини қоплаш учун маблағларга тақсимланади, улар пахта тозалаш заводлари ҳисоб ракамларига ўтказилади.

VII. Низоларни кўриб чиқиш тартиби

42. Мазкур Низомдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Пахта толасини сотиш ва ташки савдо
компанияларининг «Пахтасаноат» худудий
акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-
китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Пахта толасининг навлар ва класслар бўйича нархларини қайта ҳисоблаш коэффициентлари (база — «Биринчи» нав, «Ўрта» класс)

I нав (Биринчи)	II-нав
<i>Олий</i> 1,050	<i>Олий</i> 1,020
<i>Яхши</i> 1,040	<i>Яхши</i> 0,990
Ўрта 1,000	Ўрта 0,955
<i>Оддий</i> 0,965	<i>Оддий</i> 0,920
<i>Ифлос</i> 0,925	<i>Ифлос</i> 0,880
III нав (Учинчи)	IV нав
<i>Яхши</i> 0,965	<i>Яхши</i> 0,850
<i>Ўрта</i> 0,930	<i>Ўрта</i> 0,800
<i>Оддий</i> 0,885	<i>Оддий</i> 0,750
<i>Ифлос</i> 0,840	<i>Ифлос</i> 0,700
V нав (Бешинчи)	
<i>Ўрта</i> 0,550	
<i>Оддий</i> 0,500	
<i>Ифлос</i> 0,450	

Типлар ва кодлар бўйича пахта толаси нархларини қайта ҳисоблаб чиқиш коэффициенти ҳар йили 1 сентябрдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан пахта толаси халқаро бозори конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда тасдиқланади.

+

Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг
«Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан
ҳисоб-китоб қилиши тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

200 ____ йил _____ да юклаб жўнатилган пахта толаси учун берилган ҳисоблар бўйича

даги ҳолатига кўра ўзаро таққослаш далолатномаси

(кейинги ойнинг 1-куни)

Юклаб жўнатиш хуҷжатининг ёки контрактнинг тартиб рақами ва юклаб жўнатиш санаси	Нетто огирлиги бўйича юклаб жўнатилган пахта толасининг миқдори (тонна)	Юклаб жўнатиш кунидаги шартномавий нарх						Толанинг шартно- мавий нарх бўйича киммати, (минг сўм)	Аккредитив бўйича тўланган, (минг сўм)	Юклаб жўнатилган пахта толасининг қиммати билан тўланган сумма ўртасидаги фарқ		
		«А» индекси ва унинг Ўзбекистондаги компоненти котировкаси бўйича жаҳон нархи (бир тонна учун АҚШ доллари)	Экспорт бўйича харажат- лар (bir tonna учун AQSH dollar)	Алма- шув курси (sўm/ AQSH dollar)	Валюта харажатлари chegirilgan holdagi jahon narxi	Экспорт bўyicha harajat- lar (bir tonna uchun sўm)	Шартно- maviy narx (bir tonna uchun sўm)					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Томонлар тасдиқлайдиларки, мазкур ўзаро таққослаш далолатномасига мувофиқ, 200 ____ ойи учун _____ нинг _____ дан қарзи
сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари, 200 ____ даги ҳолатига кўра иллари юклаб жўнатилган пахта толаси бўйича низоли масалалар
сўм миқдорида _____ фойдасига ҳал қилинди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, _____ нинг _____ дан якуний қарзи _____ сўм миқдорида
белгиланди.

Мазкур ўзаро таққослаш далолатномаси:

(кичик бандлардан бири ўчирилиши лозим)

- белгиланган тартибида _____ ҳисоб рақамига тўлов талабномаси кўйиш
- 200 йил _____ ойида юклаб жўнатиладиган пахта толаси учун ўзаро ҳисоб-китобларда ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

_____ вилояти «Пахтасаноат» ҲАБ

_____ давлат-акциядорлик ташқи савдо компанияси

Раис
Бош бухгалтер

Раис
Бош бухгалтер

M.Ў.
200 йил «____» _____

M.Ў.
200 йил «____» _____

Пахта толасини сотиш ва ташки савдо компанияларининг «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисобкитоб қилиш тартиби тұғрисидаги низомга 3-ИЛОВА

200__ йил ҳосилидан юкраб жүннатылган пахта толаси учун тақдим этилган ҳисоблар бўйича таққослаш далолатномаси

Юкраб жүннатиши хужжатининг ёки контрактнинг тартиб рақами ва юкраб жүннатиши санаси	Амалда юкраб жүннатылган (аниклашлар ва эътиrozлар ҳисобга олинган ҳолда) (тонна)	Пахта толасининг қиймати, (минг сўм)		
		тақдим етилган ҳисоблар бўйича	ташки савдо компанияси томонидан тўланган	Фарқ кўшимча тўланади қайтарилади (ёки ушлаб қолинади)

Томонлар тасдиқлайдиларки, мазкур ўзаро таққослаш далолатномасига мувофиқ 200__ йил ҳосили учун _____ нинг қарзи _____ сўмни ташкил қилди.

Мазкур ўзаро таққослаш далолатномаси белгиланган тартибда _____ ҳисоб рақамига _____ миқдорида тўлов талабномаси қўйилиши учун асос ҳисобланади.

_____ вилояти «Пахтасаноат» ҲАБ

_____ давлат-акциядорлик

Раис

ташки савдо компанияси

Раис

Бош бухгалтер

Бош бухгалтер

М.Ў.

М.Ў.

200 йил «___» _____

200 йил «___» _____

+

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон
қарорига
1а-ИЛОВА

**Ташқи савдо компаниялари билан «Пахтасаноат» худудий
акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-
китоблар схемаси**



Схемага тушунтиришлар

1. Ташқи савдо компаниялари ва «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари пахта толаси етказиб бериш юзасидан, ҳажмларни, типларни, навларни ва юклаб жўнатиш муддатларини кўрсатган ҳолда шартнома тузадилар.
2. Ташқи савдо компанияси хорижий харидор ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан пахта толасини сотиб олиш юзасидан контракт тузади.
3. Ташқи савдо компанияси унга хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банк) чақириб олинмайдиган, хужжатли, қопланмаган бўлинадиган аккредитив очиш учун ариза беради.
4. Келгуси ойнинг ўн кунида харид қилиш мўлжалланаётган пахта толаси ҳажми доирасидаги маблағлар суммаси ташқи савдо компанияси томонидан аккредитив ҳисоб рақамига ўтказилади.
5. Ташқи савдо компаниясига хизмат кўрсатувчи банк (эмитент банк) «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасига хизмат кўрсатувчи банкни «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси фойдасига аккредитив очилганлиги тўғрисида хабардор қиласди.
6. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасига хизмат кўрсатувчи банк (сотувчи банки) ўз мижози — «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси учун аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисоб рақами очади.

7. Сотувчи банки «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасини аккредитив учун алохида депозит ҳисоб рақами очилганилиги түғрисида хабардор қиласи.

8. Ташқи савдо компанияси «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси га тузилган шартномага мувофиқ пахта толасини юклаб жүннатиш түғрисида билдиришнома юборади.

9. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси пахта тозалаш заводларидан ихтисослаштирилган миңтақавий пахта терминалларига пахта толасини юклаб жүннатади.

10. Ташқи савдо компанияси ихтисослаштирилган миңтақавий пахта терминалларидан контракт шартларига мувофиқ пахта толасини хорижий харидорга ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага юклаб жүннатади.

11. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси пахта толаси юклаб жүннатылғандан кейинги кунда хизмат күрсатувчи банкка пахта толаси юклаб жүннатилғанини ва аккредитивни очиш учун барча шартлар бажарылғаннаннан тасдиқловчи хужжатларни, аккредитив ҳисобига түланган маблағтар хажмини күрсатған ҳолда, тақдим этади.

12. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасига хизмат күрсатувчи банк хужжатлар түғри расмийлаштирилғаннан тақдирда ташқи савдо компаниясига хизмат күрсатувчи банк (эмитент банк)ка маблағтарни ўтказиши юзасидан талабнома юборади. Күрсатиб ўтилган талабномага мувофиқ эмитент банк маблағтарни ўтказади.

13. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасига хизмат күрсатувчи банк алохида депозит ҳисоб рақамидан маблағтарни етказиб берувчи — «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига аккредитивлар бўйича ўтказади.

14. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси юклаб жүннатилған пахта толаси ҳажмларига мувофиқ маблағтарни пахта тозалаш заводларининг депозит ҳисоб рақамига ўтказади.

15. Ташқи савдо компанияси ва «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси юклаб жүннатилған пахта толаси қийматини ва аккредитивлардан түланган суммаларни хар ойда ўзаро солишишириб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 29 августдаги
ПҚ-456-сон карорига
2-ИЛОВА

**Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё¹
биржасининг валюта майдончаси орқали очиқ биржа
савдоларида пахта толасини қайта ишлайдиган республика
истеъмолчилари, шу жумладан хорижий инвестициялар
иштирокидаги корхоналарга ва экспортга сотиш тартиби
түғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали очиқ биржа савдоларида пахта толасини қайта

ишлайдиган республика корхоналарига, шунингдек экспортга сотиш механизмини белгилайди.

2. Пахта толасини сотиш Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади.

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси томонидан ўтказиладиган очиқ биржа савдолари пахта толасини қайта ишлаш ва ундан қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган республиканинг ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек экспортга сотишида хорижий харидорлар тенг шартларда қўйиладилар.

3. Пахта толасини қайта ишлайдиган республика корхоналарига ва хорижий харидорларга пахта толаси эркин алмаштириладиган валютада сотилиади.

4. Қайта ишлайдиган корхоналар томонидан Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида сотиб олинган пахта толасидан факат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва у қайта сотилиши мумкин эмас.

II. Атамалар ва уларнинг таърифлари

5. Мазкур Низомда қўйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

маҳсулот — пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг тасдиқланган кўрсаткичларига мувофиқ очиқ биржа савдоларида сотиладиган пахта толаси;

биржа савдоларининг электрон тизими — Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг реал вақт режимида умумреспублика биржа савдолари ўтказилишини таъминлайдиган дастурий-техник комплекси;

хисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда ҲҚҚП деб атади) — Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг биржа битишувлари бўйича клиринг, хисоб-китоб ва ўзаро хисоб-китоблар ўтказилишини таъминлайдиган таркибий бўлинмаси;

сотувчи — «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари («Пахтасаноат» ҲАБ) ва маҳсулотни ишлаб чиқарадиган ҳамда биржа савдоларида сотадиган бошқа юридик шахслар;

харидор — Ўзбекистон Республикасининг пахта толасини қайta ишлаш кувватига эга бўлган ва пахта толасидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарадиган юридик шахслари, шунингдек хорижий компаниялар ва фирмалар;

закалат — Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида содир этиладиган битишувлар бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан ҲҚҚПга қўйиладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;

нархлар котировкаси — биржа савдоларининг бир куни учун Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган маҳсулотга ўтракча нарх;

терминаллар — пахта маҳсулотини қабул қилиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатадиган ихтисослаштирилган пахта терминаллари.

III. Пахта толаси ҳажмларини шакллантириш, очиқ биржа савдоларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби

6. Сотувчилар, йилнинг тегишли даврига тасдиқланган пахта толаси ишлаб

чиқариш ва ундан фойдаланиш балансидан келиб чиқиб, ҳар ойда, кейинги ҳар бир ой бошланишидан 10 кун олдин Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасини биржа савдоларида харидорларга сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ҳажми тўғрисида хабардор қиласди.

Билдиришномаларда пахта толасининг Ўзбекистон «Сифат» марказининг Мувофиқлик сертификати (Инспекция далолатномаси) билан тасдиқланган лотлари, типлари, навлари ва класси кўрсатилади.

7. Сотувчилар Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасига биржа савдоларига қўйиш учун назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ маҳсулотнинг харидорларга етказиб берилишини узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмларда маҳсулот мавжудлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

8. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйиш харидорлар билан Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

9. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида мустақил қатнашиш истагини билдирган сотувчиларга брокерлик ўринлари беради.

10. Брокерлик хизмати кўрсатиш:

маҳсулотни сотишга сотувчи ва брокер;

маҳсулотни харид қилишга харидор ва брокер ўртасида тузилган топширик шартномаси асосида амалга оширилади.

Харидор ва сотувчи брокерни танлашда эркиндир.

11. Олдин олинган пахта толаси учун муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлган харидорлар биржа савдоларига қўйилмайди.

12. Очик биржа савдолари ўтказиш, биржа сессияларининг қанча давом этиши, маҳсулот қўйиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси томонидан харидорларга оммавий ахборот воситалари, брокерлар, шунингдек бошқа ахборот каналлари, шу жумладан Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг web-сайти орқали мажбурий тартибда етказилади.

Ахборотга маҳсулот, сотувчининг жойи, шунингдек бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар киритилиши керак.

13. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси, электрон савдоларда савдолар қатнашчиларининг худудий жойлашишидан қатъи назар, уларнинг барчасининг бир вақтда иштирок этиши имкониятини таъминлашга мажбурдир.

14. Савдоларни ўтказиш, қўйилган закалат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича қатнашчиларни қўйиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари ғолиблари ни аниқлаш ва битишувларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими билан амалга оширилади.

15. Битишувларни рўйхатдан ўтказиш кунида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси ёки унинг миңтақавий савдо майдончаси брокерга битишув баённомасини ва расмийлаштириш учун олди-сотдининг биржа шартномасини беради.

16. Олди-сотди шартномаси шартномада назарда тутилган шартларда шартнома олинган кунда расмийлаштирилади. Битишув баённомаси шартларини бажариш томонлар учун мажбурий хисобланади.

17. Савдоларда сотилмаган маҳсулот ҳажми сотувчи билан келишув бўйича кейинги савдоларга кўчирилади.

18. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш:

республика ичida сотишда харидорга ва сотувчига ҳар бир томондан битишув суммасининг 0,05 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

экспортга харидорга сотишда битишув суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, сутувчига битишув суммасининг 0,05 фоизи миқдорида белгиланади.

19. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда сутувчи маҳсулотни савдога такроран кўйиш хуқукига эгадир.

20. Маҳсулотни битишув баённомалари асосида тузилган олди-сотди шартномалари бўйича сотиш сотувчининг ҲҚҚПдаги шахсий хисоб рақамига 100 фоиз олдиндан хақини тўлаш шартларида амалга оширилади.

IV. Маҳсулотнинг бошланғич нархини белгилаш ҳамда биржа савдолари қатнашчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар механизми ва пахта толасини юклаб жўнатиш

21. Сотувчи томонидан кўйилган пахта толасининг бошланғич нархи биржа савдоларининг ҳар бир сессиясида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасидаги навбатдаги савдолардан олдинги кунда «Коттон Оутлук»да чоп этиладиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистон компоненти котировкасининг ўртача қийматидан келиб чиқиб республика ички истеъмолчилари учун 15 фоиз миқдоридаги чегирма, экспортга сотишда эса — республика ташқарисида ўртача транспорт (темир йўл ва сув транспорти) харажатлари бир тоннаси учун 155 АҚШ доллари миқдорида чиқариб ташланган ҳолда белгиланади.

Маҳсулотнинг бошланғич нархи эркин муомаладаги валютада (АҚШ долларида) белгиланади.

22. Биржа савдоларида тузилган битишувлар бажарилишининг молиявий кафолатларини таъминлаш мақсадида биржа савдоларида тузилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ҲҚҚП орқали амалга оширилади.

Сотувчилар ва харидорларнинг маблағлари ҲҚҚП ҳисоб рақами доирасида алоҳида шахсий ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

23. ҲҚҚП биржа савдолари қатнашчиларини уларга хизмат кўрсатиш шартлари, мижозларнинг шахсий ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиги тўғрисида ўз вақтида маълум қилиши шарт.

Маҳсулотнинг ҳар бир сотувчиси ва харидори учун ҲҚҚП шахсий ҳисоб рақамлари очади.

Шахсий ҳисоб рақамларининг ҳолати, шахсий ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиги тўғрисидаги маълумотларнинг ҲҚҚП томонидан ошкор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

24. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида қатнашчиларни биржа клирингининг натижалари, улар маблағларининг ҳолати ва жорий кунда белгиланган савдо лимитлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

25. Сотувчи ва харидор томонларнинг мажбуриятларни бажариши кафолати сифатида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ҲҚҚПдаги ўз шахсий ҳисоб рақамларига тегишли равишда савдога кўйиладиган ва харид қилиш мўлжалланайтган маҳсулот суммасининг 2 фоизи миқдоридаги закалатни мажбурий тартибида депонентга қўяди.

26. Харидорлар Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ҲҚҚПга депонентга кўйилган закалат ҳисобга олинган ҳолда тўлаш мўлжалланайтган маблағ ҳажмида битишувлар тузишга ҳақлидир.

27. Мижозларнинг ҲҚҚПдаги маблағларидан:

а) ҲҚҚПдаги шахсий ҳисоб рақамларининг эгалари бўлган сотовчилар ва харидорларнинг топшириги бўйича:

биржа битишувлари бўйича мажбуриятлар бажарилиши ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан боғлик улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун;

агар битишув бўлмаса ёки бекор қилинган тақдирда ҲҚҚПдаги шахсий ҳисоб рақамининг эгаси — мижознинг ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига қайтариш учун;

б) депонентга қўйилган маблағлар ҳисобига Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

28. Биржа битишуви рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн банк куни мобайнида харидор рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномаси бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун ҲҚҚПдаги ўз шахсий ҳисоб рақамига қўшимча маблағлар ўтказиши шарт.

29. ҲҚҚП маблағ харидордан тушган пайтдан бошлаб бир банк куни мобайнида сотовчига харидор ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганилиги тўғрисидаги ҳақи тўланган битишувлар реестрини бериши шарт.

Агар харидор ўн банк куни мобайнида биржа шартномасига мувофиқ маблағлар тўлиқ ҳажмда ўтказилишини таъминламаса, ҲҚҚП, кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин сотовчига ва Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг тегишли бўлинмасига битишув бекор қилиниши тўғрисида дархол маълум қиласи ва Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг воситачилик ҳақини чегириб ташлаган ҳолда харидор томонидан қўйилган закалат микдорида шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жарима сифатида маблағларни харидорнинг шахсий ҳисоб рақамидан ваколатли банкдаги сотовчининг ҳисоб рақамига ўтказади.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотовчи томонидан яна савдога қўйилади.

30. ҲҚҚП томонидан харидорнинг шахсий ҳисоб рақамига маблағ тушганлиги тўғрисидаги ҳақи тўланган битишувлар реестри сотовчига берилиши сотовчи томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда терминалда маҳсулотни харидорга бериш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Харидор томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳолати ҲҚҚП томонидан тасдиқланмасдан сотовчи томонидан маҳсулотни қабул қилиш-топшириш амалга оширилган тақдирда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси рўйхатдан ўтказилган биржа шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди.

31. Сотовчи маҳсулот суммаси тўлангандан кейин FCA-пахта терминали шартларида маҳсулотни харидорга етказиб беради.

Терминалда маҳсулот берилгандан кейин сотовчи ва харидор Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси томонидан рўйхатдан ўтказилган биржа шартномаси бўйича Маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузади.

Харидор томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган Маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномасининг бир асл нусхаси сотовчи томонидан тақдим этилиши ҲҚҚПнинг маблағларни харидорнинг шахсий ҳисоб рақамидан ваколатли банкдаги сотовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш ва битишувнинг ёпилиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

ҲҚҚП томонидан маблағларни ўтказиш кўрсатиб ўтилган далолатнома олинган пайтдан бошлаб икки банк кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

32. Махсулотни қабул қилиш-харидорга топшириш (юклаб жўнатиш) биржа шартномаларида назарда тутилган ҳажмларга ва муддатларга мувофиқ терминаллардан сотовчининг нарядлари бўйича амалга оширилади. Пахта толасини юклаб жўнатишга наряд Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ҲҚҚП томонидан мазкур Низомнинг 31-бандига мувофиқ шахсий хисоб рақамидан кўчирма тақдим этилгандан кейин берилади.

Махсулот сертификацияси, терминалнинг саклаш, юклаб жўнатиш, Қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома имзолангунга қадар бажарилган хизматлари билан боғлиқ бошқа харажатлар сотовчи томонидан тўланади.

Терминалнинг саклаш, транспорт агентига юклашда кўмаклашиш, юклаб жўнатиш ва Қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин бажариладиган бошқа хизматлари билан боғлиқ харажатларга харидор томонидан ҳақ тўланади

Мазкур Низомда назарда тутилган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни сотовчининг банкида сотовчи, харидорнинг банкида харидор тўлайди.

Сотовчи томонидан маҳсулот етказиб берилмаганда, тўлиқ етказиб берилмаганда ёки етказиб бериш муддатлари бузилганда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ҲҚҚП шартнома мажбуриятлари бажарилмаганилиги учун, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг воситачилик ҳақини чегириб ташлаган ҳолда, сотовчи томонидан қўйилган закалат миқдорида жарима сифатида маблағларни сотовчининг шахсий хисоб рақамидан ваколатли банкдаги харидорнинг хисоб рақамига ўтказади.

33. Пахта толасини республика истеъмолчиларига, шу жумладан хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарга сотиш счёт-фактураларда пахта толасининг улгуржи-бериш нархида қўшилган қиймат солиги суммаси ажратиб қўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

34. Очиқ биржа савдоларида маҳсулотни сотишдан тушган тушум, шунингдек сотовчи ихтиёрига тушган АҚШ долларидаги жарима суммаси белгиланган муддатларда 100 фоиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотилиши керак, тушум маблағларининг сўмдаги эквивалентидан эса белгиланган тартибда фойдаланилади.

35. Харидор ва сотовчи ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

36. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси аъзолари, биржа савдолари қатнашчилари ва уларнинг мижозлари ўртасида биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича пайдо бўладиган низолар суд томонидан ҳал қилинади.

V. Ахборот билан таъминлаш ва мазкур Низом бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш

37. Ўтказилган очик биржа савдолари натижалари бўйича Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг котировка қилиш комиссияси Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида сотилган маҳсулот нархларининг биржа котировкаларини белгилайди. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси ҳар хафтада уларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғидаги сахифаларда эълон қиласиди.

38. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси, сотовчилар ва терминаллар хисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига:

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси — очик биржа савдоларига қўйилган ва сотилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги;

сотувчилар — қабул қилиш-топшириш далолатномалари бўйича очик биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотнинг харидорга берилган ҳақиқий ҳажмлари тўғрисидаги;

терминаллар — очик биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулот харидорларга юклаб жўнатилишининг ҳақиқий ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 29 августдаги
ПҚ-456-сон қарорига
2а-ИЛОВА

**Очиқ савдо биржаларида Ўзбекистон республика товар-хом
ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган
пахта толаси учун пахта толасини қайта ишлайдиган республика
истеъмолчилари, хорижий инвестициялар иштирокидаги
корхоналар, хорижий харидорлар ва «Пахтасаноат» худудий
акциядорлик бирлашмалари ўртасида ҳисоб-китоб қилиш
схемаси**



Схемага тушуниришлар

1. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан пахта толасини республика истеъмолчиларига, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга, хорижий харидорларга биржа сав-

долари ўтказиш воситасида сотиш бўйича биргалиқдаги фаолият тўғрисида шартнома тузадилар.

2. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ҳар бир савдодан олдин «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасига биржа савдоларига қўйиш учун тегишли типлар, навлар, класслар (Ўзбекистон «Сифат» марказининг Мувофиқлик сертификати билан ёки Инспекция далолатномаси билан тасдиқланган) ҳамда пахта толаси ҳажми тўғрисидаги хужжатларни тақдим этади.

3. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси биржа савдоларини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ахборот эълон қиласиди.

4. Биржа савдоларида қатнашган сотувчи ва харидор Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг Ҳисоб-китоб клиринг палатасидаги (ХККП) ўз шахсий хисоб рақамига кафолат сифатида тегишли равишда савдога қўйиладиган ва харид қилиш мўлжалланаётган маҳсулот суммасининг 2 фоизи микдорида закалатни мажбурий тартибда депонентга қўяди.

5. Харидорнинг брокери ва сотувчининг брокери тузилган биржа битишувлари асосида биржа савдолари якупнлари бўйича баённомага мувофиқ пахта толасининг олди-сотди шартномасини тузадилар.

6. Харидор маблағларни олди-сотди тўғрисидаги шартнома бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ХККПдаги ўз шахсий хисоб рақамига ўтказади.

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ХККП тўланган битишувлар реестрини сотувчига юборади, бу пахта толасини қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади. Қабул қилиш-топшириш (юклаб жўнатиш) далолатномаси имзолангандан кейин Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ХККП маблағларни сотувчининг хисоб рақамига ўтказади.

7. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси юклаб жўнатилган пахта толаси ҳажми мувофиқ маблағларни пахта тозалаш заводларининг депозит хисоб рақамларига ўтказади.

8. Пахта тозалаш заводлари пахта толасини ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларига (омборларига) юклаб жўнатади. Пахта толасининг контрактдаги ҳажми «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг нарядлари бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси рамийлаштирилган ҳолда ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларидан (омборлардан) пахта толасининг республика истеъмолчиларига, хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарга, хорижий харидорларга берилади (юклаб жўнатилади).

Масъулиятли сақлашдаги пахта толаси ҳажмининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг ёзма розилигисиз қайта расмийлаштирилишига ва терминаллар томонидан юклаб жўнатилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 29 августдаги
ПҚ-456-сон қарорига
3-ИЛОВА

Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали кимошди савдоларида миллий валюта (сўм)га сотиш ва унинг учун «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали кимошди савдоларида миллий валюта (сўм)га сотиш ва унинг учун «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомга мувофиқ сотиб олинган пахта толасидан фақат республика ичida қайта ишлаш учун фойдаланилиши мумкин ва у қайта сотилмайди.

Кимошди савдолари ҳар ойда камидан бир марта ўтказилади.

II. Пахта толасини кимошди савдоларига қўйиш

2. Пахта толасини кимошди савдоларига қўйиш Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (кейинги ўринларда ЎзРТХБ деб аталади) билан тузиладиган биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари томонидан амалга оширилади.

3. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси навбатдаги кимошди савдосидан камидан 10 кун олдин ЎзРТХБни лотларни савдога қўйиши тўғрисида ҳабардор қиласи. Лотларни шакллантириш «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси томонидан шакллантирилади, ЎзРТХБ лотларга талабга мувофиқ ва «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан келишган ҳолда ўзгартириш киритиши мумкин.

4. Лотлар тўғрисидаги ахборотда лотни ташкил этувчи пахта толаси ҳажми, савдо ўтказиладиган кунда «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси томонидан тақдим этилган пахта толасининг Ўзбекистон «Сифат» марказининг Мувофиқлик сертификати (Инспекция далолатномаси) билан тасдиқланган типи, нави ва класси, шунингдек товарнинг турган жойи ва қайта ишлаган завод ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

5. Пахта толасининг бошлангич нархи жаҳон бозоридаги нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда 15 фоиз чегирма билан «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари томонидан белгиланади ҳамда кимошди савдоси санасида камайтириш ёки ошириш томонига аниқлаштириш имконияти билан кимошди савдосини ўтказишдан 10 кун олдин ЎзРХТБга тақдим этилади.

Нархни аниқлаштириш тўғрисидаги қарор «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси томонидан қабул қилинади ва бу хақда ЎзРТХБни ёзма равища ҳабардор қиласи ҳамда аукциончи томонидан савдоларда эълон қилинади.

6. Пахта толасининг кимошди савдоларига қўйилиши тўғрисидаги ахборот олинган вақтдан бошлаб бир ҳафта мобайнида ЎзРТХБ унинг потенциал харидорларини оммавий ахборот воситалари, шунингдек ЎзРТХБнинг web-сайти орқали ва билдиришнома юбориш йўли билан ҳабардор қиласи.

7. Пахта толасининг потенциал харидорлари учун тарқатиладиган ахборотда савдолар ўтказиладиган вақт ва жой, савдоларда қатнашиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган жой, буюртманомаларни қабул қилишининг сўнгги муддати, савдоларда қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилиш учун талаб этиладиган хужжатлар рўйхати, шунингдек лотларни ташкил этувчи пахта толаси ҳажми, пахта толасининг типи, нави ва класси, етказиб бериш муддатлари ва шартлари, шу жумладан товарнинг турган жойи ва қайта ишлаган завод ҳамда бошланғич нарх ҳакидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда савдоларга қўйиладиган махсулотлар рўйхати бўлиши керак.

III. Кимошди савдолари қатнашчилари

8. Мазкур Низомга мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган ва пахта толасидан фойдаланиб махсулот ишлаб чиқаридиган мулкчиликнинг барча шаклларидағи юридик шахслар (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) пахта толаси харидорлари бўлишлари мумкин.

9. Харидор сифатида рўйхатдан ўтказиш учун корхоналар ЎзРХТБга:

пахта толасини сотиш бўйича кимошди савдолари қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

корхонанинг банк реквизитларини тақдим этадилар.

10. Кимошди савдоларида корхоналар номидан ўзларида уларнинг савдога оид ваколатларини ёзма равишда тасдиқловчи хужжатга ва кимошди савдоси қатнашчи-си карточкасига эга бўлган ваколатли вакиллар қатнашадилар.

IV. Кимошди савдоларини ўтказиш механизми

11. Эълон қилинган кимошди савдосида харидор сифатида қатнашиш учун корхона савдолар ташкилотчиси — ЎзРТХБга:

мўлжалланаётган харид ҳажми ва махсулотдан фақат ўз ишлаб чиқариши учун фойдаланилиши тўғрисидаги мажбурият кўрсатилган, ташкилот раҳбари, бош бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган эълон қилинган кимошди савдоларида қатнашиш юзасидан ариза;

кимошди савдосида қатнашиш учун ЎзРТХБ томонидан белгиланадиган миқдорда, лекин буюртманома берилаётган лот қиймати бошланғич нархининг 0,1 фоизидан ортиқ бўлмаган бир марталик ўйфим ва ушбу қийматнинг 2 фоизи миқдорида гаров суммаси ЎзРТХБга ҳисоб рақамига ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатининг нусхасини тақдим этади.

Кимошди савдоси ғолиби томонидан ЎзРТХБга ҳисоб рақамига ўтказилган гаров суммаси кейинчалик ЎзРТХБ томонидан «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси ҳисоб рақамига ўтказилади ҳамда шартномага мувофиқ етказиб берилган пахта толаси учун ҳақ тўлашда ҳисобга олинади. Кимошди савдосида ғолиб бўлмаган бошқа қатнашчиларга гаров суммаси икки банк кунида қайтарилади (мазкур Низомнинг 19 ва 21-бандларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

12. Олдинги кимошди савдолари якунларига кўра тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаган корхоналар кимошди савдоларига қўйилмайди.

13. Кимошди савдосида қатнашиш учун буюртманома берган корхоналар ҳамда буюртманома мазмуни тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинмайди.

14. Кимошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолиятни «Ўзпах-

тасаноат» уюшмаси ва ЎзРТХБ вакилларидан ташкил этиладиган Комиссия мувофиқлаштиради ва назорат қиласи.

15. Кимошди савдоларини ўтказиш мақсадида ЎзРТХБ аукциончини тайинлайди, у ЎзРТХБ томонидан ташкил этилган кимошди савдосида қатнашчиларнинг манфаатларини ифодалаш ҳуқуқига эга эмас.

16. Талабгор унинг томонидан буюртманома берилган ва гаров суммаси тўланган пахта толаси ҳажмлари бўйича кимошди савдосига қўйилади.

17. Кимошди савдоларини ўтказиш тартиб-коидалари қўйидагиларни назарда тутади:

кимошди савдоси бошлангунгача аукциончи сотиладиган лот тартиб рақамини эълон қиласи, кимошди савдосига қўйилган товарни ва савдо шартларини тавсифлаб беради;

аукциончи тегишли лот бўйича савдода қатнашиш учун рўйхатдан ўтказилган қатнашчиларнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамини эълон қиласи. Аукциончи томонидан тартиб рақами эълон қилинган қатнашчи қатнашчи карточкасини кўтариши лозим, бу билан у ўзининг кимошди савдосида қатнашишини тасдиқлайди;

аукциончи лотнинг бошлангич нархини ва савдо қадамини эълон қилган пайт кимошди савдоси бошланган пайт ҳисобланади. Савдо қадами тўғрисидаги қарор аукциончи томонидан ҳар бир лот учун алоҳида қабул қилинади, у бошлангич нархнинг 0,1 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Зарур ҳолларда аукциончи кимошди савдоси давомида қадамни ўзгартириши мумкин;

бошлангич нарх эълон қилингандан кейин аукциончи белгиланган қадамга мувофиқ нархни ошириш тўғрисидаги таклифларни кутади;

юқори нархни таклиф этмоқчи бўлган қатнашчи қатнашчи карточкасини кўтариши, бу нархни белгиланган қадамга ошириш юзасидан таклифни билдиради;

аукциончи биринчи бўлиб юқори нархни таклиф этган қатнашчини атаб, таклиф этилган нархни ва ушбу қатнашчи тартиб рақамини эълон қиласи. Агар аукциончи томонидан таклиф этилган нарх уч марта эълон қилингандан кейин қатнашчилардан хеч бири юқори нархни таклиф этмаса, аукциончи болғачанинг учинчи зарбаси билан бир пайтда лот ушбу нархни таклиф этган қатнашчига сотилганлигини эълон қиласи. Шундан кейин ушбу лот бўйича савдо ёпилган ҳисобланади.

18. Агар савдога қўйилаётган лотга фақат битта буюртма тушган бўлса қўрсатиб ўтилган лот ариза берувчига бошлангич нарх бўйича сотилган ҳисобланади.

19. Лотга биттадан ортиқ буюртма мавжуд бўлган тақдирда, лотнинг бошлангич нархи эълон қилингандан кейин уни сотиб олишни хоҳловчилар бўлмаса, лот кимошди савдосидан чиқарилади (мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ бошлангич нарх кимошди савдоси санасида оширилган ҳоллар бундан мустасно).

20. Кимошди савдоси якунлари бўйича икки нусхада протокол тузилади, уни ЎзРТХБ вакили ва кимошди савдоси голиби имзолайди.

Протоколда сотувчи ва харидор тўғрисидаги маълумотлар, сотув обьектининг номи, сотилган пахта толаси миқдори ва сотиш нархи қўрсатилади.

21. Голиб ва кимошди савдосининг бошқа томони кимошди савдоси ўтказилган кунда кимошди савдоси якунлари тўғрисидаги протоколни имзолашлари лозим. Қўрсатиб ўтилган протокол кейинчалик олди-сотди шартномаси тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Савдода ютиб чиқсан шахс протоколни имзолашдан бўйин товлаган тақдирда тўланган гаров суммасидан маҳрум бўлади.

Протоколни имзолашдан бўйин товлаган савдолар ташкилотчиси тўланган гаров суммасини икки баравар миқдорда қайтариши, шунингдек савдода ютиб чиқ-

+

кан шахснинг савдода қатнашиши муносабати билан етказилган заарнинг гаров суммасидан ортиқ қисмини қоплаши шарт.

22. Пахта толаси сотиб олиш юзасидан буюртманома берган қатнашчилардан хеч бири уни сотиб олиш хоҳишини билдирилмаса ёки пахта толасининг савдога қўйилган ҳажмлари савдодан чиқарилса савдо ташкилотчиси тегишли протокол тузади.

Пахта толасининг савдога қўйилган ҳажмлари савдодан чиқарилган ҳолларда айборд томондан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ зарар ундириб олинади.

Кимошди савдолари ташкилотчиси кўрсатиб ўтилган муддатларни бузган ҳолда уни ўтказишни рад этган тақдирда, у қатнашчилар кўрган зарарни қоплаши шарт.

23. Битишив мазмуни (товарнинг номи, миқдори, нархи, битишив тузилган сана ва вакт бундан мустасно) ошкор этилмайди.

24. Ўтказилган кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги йифма кўрсаткичлар маълумотнома тарзида расмийлаштирилади, унда лотлар ва кимошди савдоси қатнашчиларининг тартиб рақамлари, кимошди савдоси ғолиблари бўлган корхоналар номи, сотилган пахта толаси миқдори, ҳар бир лот бўйича сотиш нархи ва сотиш суммаси кўрсатилади. Кимошди савдолари натижалари тўғрисидаги маълумотнома Кимошди савдоларини ўтказиш комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

V. Харидорлар ва сотувчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар хамда пахта толасини етказиб бериш механизми

+

-

25. Кимошди савдолари натижалари тўғрисидаги протокол асосида «Пахтасоат» худудий акциядорлик бирлашмаси ва харидор протокол олингандан кейин йигирма кун муддатда пахта толасининг олди-сотди шартномасини тузадилар. Тузиладиган шартномада етказиб бериладиган пахта толасининг ҳажмлари, навлари, типлари ва бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича параметрлари, ташиб шартлари, юклаб жўнатиш муддатлари (жадвали), ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби, тузилган шартнома шартларини бажаришнинг мулкий ва бошқа жавобгарлиги, низоларни кўриб чиқиш тартиби ва томонлар ихтиёрига кўра бошқа шартлар белгиланади.

26. Ким ошди савдоси ғолиби бўлган харидор тузилган шартнома бўйича камида 15 фоизини олдиндан тўлаш ва қолган суммани 60 кун мобайнида тўлаш шарти билан пахта толаси учун маблағларни «Пахтасоат» худудий акциядорлик бирлашмаси ҳисоб рақамига тўлайди. Қарзларни харидорлар томонидан моддий-техника ресурслари етказиб бериш йўли билан қоплашга йўл қўйилмайди.

27. «Пахтасоат» худудий акциядорлик бирлашмаси тўлов ҳужжатини олгандан кейин уч банк куни мобайнида юклаб жўнатилган пахта толаси ҳажмларига мувофиқ бўлган маблағларни пахта тозалаш заводларининг депозит ҳисоб рақамларига ўtkазadi.

28. Кимошди савдоси ғолибларига пахта толаси «Пахтасоат» худудий акциядорлик бирлашмаси нарядлари бўйича, ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари (омборлари)дан шартномаларда назарда тутилган ҳажмларга ва муддатларга мувофиқ юклаб жўнатилади. Пахта толасини юклаб жўнатишга наряд шартномада кўрсатилган қийматнинг камида 15 фоизи миқдоридаги маблағлар тушгандан кейин берилади.

29. Харидорлар ва «Пахтасоат» худудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилиши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 29 августдаги
ПҚ-456-сон қарорига
За-ИЛОВА

**Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХБ)
орқали кимошди савдоларида миллий валюта (сўм)да
сотиладиган пахта толаси учун республика истеъмолчилари
 билан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари
 ўртасида ҳисоб-китоб қилиш схемаси**



Схемага тушуниришлар

1. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари пахта толасини республика пахта толаси истеъмолчиларига кимошди савдосини ўтказиш йўли билан сотиш тўғрисида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликдаги фаолият ҳакида шартнома тузадилар.

2. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ҳар бир савдодан олдин «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасига кимошди савдосига кўйиш учун тегишли типлар, навлар, класслар (Ўзбекистон «Сифат» марказининг Мувофиқлик сертификати ёки Инспекция далолатномаси билан тасдиқланган) ҳамда пахта толаси ҳажми тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этади.

3. Кимошди савдосида қатнашиш учун буюртманома берган пахта толасининг республика истеъмолчилари Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси ҳисоб ракамига берилган буюртманома суммасининг 2 фоизи миқдорида гаров суммаси ҳамда 0,1 фоизи миқдорида кимошди савдосида қатнашиш учун бир марталик йиғим тўлаши керак.

4. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси кимошди савдоси якунлари бўйича сотовучи билан олди-сотди шартномаси тузиш учун харидорга битишув баённомасини беради.

5. Харидор ва «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси кимошди сав-

доси якунлари бўйича битишув баённомасига мувофиқ пахта толасининг олди-сотдиси тўғрисида шартномалар тузадилар.

6. Кимошди савдоси голиби — харидор «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси билан имзоланган шартнома асосида пахта толаси учун «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси хисоб рақамига маблағларни тўлайди.

7. «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси юклаб жўнатилган пахта толаси ҳажмига мувофиқ маблағларни пахта тозалаш заводларининг депозит хисоб ракамларига ўтказади.

8. Пахта тозалаш заводлари пахта толасини ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларига (омборларга) юклаб жўнатади. Пахта толасининг контрактга мувофиқ ҳажми «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг нарядлари бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари расмийлаштирилган ҳолда ихтинослаштирилган минтақавий пахта терминалларидан (омборларидан) пахта толасининг республика истеъмолчиларига юклаб жўнатилади.

Масъулиятли сақлашдаги пахта толаси ҳажмининг «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг ёзма розилигисиз терминаллар томонидан қайта расмийлаштирилишига ва юклаб жўнатилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарори-
га
4-ИЛОВА

+ Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш тартиби тўғрисида НИЗОМ -

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта толасини экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб беришда буюртмачилар буюртманомалари бўйича «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан пахта тозалаш заводларида пахта толаси сифатини пахта тойи бўйича баҳолаш, уни сертификатлаш ҳамда пахта тозалаш заводларида пахта тойи массасини тарозида тортиш тартибини белгилайди.

2. Пахта толаси «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 31 октябрдаги 421-сон қарорига асосан мажбурий сертификатланади. Пахта тойи бўйича синанаган ҳолда сертификатлаш ва пахта тойи массасини тарозида тортиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 июлдаги 420-ф-сон фармойишига асосан амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда куйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

буюртмачи — пахта толасини экспортга ва эркин алмаштириладиган валютада харид қиласиган республика қўшма корхоналарига етказиб беришда — Ташқи савдо компаниялари;

республика истеъмолчиларига етказиб беришда — «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари;

харидор — пахта толасини харид қилувчи ҳам хорижий, ҳам республика ички харидорлари;

етказиб берувчи — «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари — Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш заводлари;

ижро этувчи — «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази.

4. O'z DSt 604:2001 «Пахта толаси. Техник шартлар» стандарти талабларига мувофиқлигини сертификатлаш бўйича хизматларни Ўзбекистон Республикаси худудида унинг кўрсатилган аккредитация соҳасига мувофиқ ижро этувчи амалга оширади.

5. Ижро этувчи куйидаги ишларни амалга оширади:

- пахта тозалаш заводларидаги ҳар бир пахта тойидан унинг прессдан чикишида намуна олиш;
- олингган намуналарни идентификациялаш;
- намуналарни синаб кўриш учун худудий лабораторияга етказиб бериш;
- намуналарни синаб кўриш;
- терминалга (омборга) етказиб бериладиган сифати (типи, нави) бўйича биртурдаги пахта толаси туркумига Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, уни етказиб берувчига бериш;
- етказиб берувчи билан биргаликда туркумидан пахта тойини тарозида тортиш, Пахта тойи бўйича тортиш далолатномасини расмийлаштириш;
- пахта терминалидаги (омборидаги) пахта толасининг сифати ва пахта тойи массаси бўйича харидор ва буюртмачи вакиллари билан келишмовчиликларни ҳал этади.

6. Пахта толасини сертификатлаш ва пахта тойини тарозида тортиш бўйича хизматлар ҳақи ижро этувчи билан икки томонлама шартномалар асосида Мувофиқлик сертификати (Инспекция далолатномаси) ва Пахта тойи бўйича тортиш далолатномасини бериш факти бўйича ижро этувчи томонидан қўйилган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб-китоб асосида терминалга сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш далолатномаларининг расмийлаштирилишига мувофиқ, буюртмачи томонидан тўланади.

Пахта толасини сертификатлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган нархлар бўйича амалга оширилади.

Пахта толаси тойини тарозида тортиш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган нархлар бўйича амалга оширилади.

II. Тойдаги пахта толасидан намуна олиш, уларни идентификациялаш ҳамда минтақавий лабораторияга етказиб бериш

7. Пахта тозалаш заводида пахта толасини пресслаш жараёнида тойларнинг қаварик томонида пресс плитасида ўрнатилган махсус пичноқ билан кесиб қўйилади.

8. Ижро этувчи вакили тойнинг кесилган қисмидан намуналар олади.

9. Намуналар O'z DSt 614:1994 «Пахта толаси. Намуналар олиш усуллари» стандартига мувофиқ олинади. Ҳар бир намунага минтақа коди, пахта тозалаш заводи коди, пахта тозалаш заводидаги кетма-кет қўйилган тартиб рақамидан иборат бўлган тойлар тартиб рақами штрих кодли ёрлигининг йиртма купони солинади.

Олингган намуналарни ижро этувчи полиэтилен қопчага жойлаштиради, ёхуд қоғозга ёки плёнкага ўрайди, сўнгра ижро этувчининг минтақавий лабораториясига жўнатиш учун ўралган намуналарни қопга эҳтиёткорлик билан зич қилиб жойлаштиради.

Ташиб жараёнида намуналар бир-бири билан аралашып кетмаслиги учун қоп зич қилиб ўралиши лозим.

Қолга пахта толаси намунаси олинган завод тартиб рақами, пахта толаси ишлаб чиқарилган пахта хом ашёси туркуми тартиб рақами, пахта хом ашёсининг саноат ва селекция нави ҳамда класси, пахта толаси туркуми, той тартиб рақамлари, намуна олинган сана, имзолаган ижро этувчи вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ёрлик солинади.

Ижро этувчига пахта толаси ишлаб чиқарилган пахта хом ашёси туркуми тартиб рақами, пахта хом ашёсининг саноат ва селекция нави ҳамда класси тўғрисидағи маълумотларни етказиб берувчи тақдим этади.

Ижро этувчи вакили томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилган намуналар олиш далолатномасини ижро этувчининг вакиллари имзолайдилар.

10. Штрих кодли ёрликни ижро этувчи тайёрлайди. Ёрликлар намуна олинган жойга қўйилади.

11. Ижро этувчи олинган намуналарни миңтақавий лабораторияга синаб кўриш учун етказиб беради. Миңтақавий лабораторияга намуналар жойлаштирилган қопларни жўнатгунга қадар улар пахта тозалаш заводида мухрланган хонада сакланиши лозим.

12. Пахта толаси намуналари синовлардан кейин ижро этувчининг лабораторияларида харидор томонидан сўнгги туркумлар қабул қилинган ва уни юклаб жўнатган вақтга қадар, бироқ Мувофиқлик сертификати амал қилган вақтгача сакланиди. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугаши билан намуналар қайтадан олинади.

+

-

III. Пахта тозалаш заводларида пахта толаси тойи массасини тортиш

13. Пахта толасининг ҳар бир тойини тортишни пахта тозалаш заводининг пресслаш цехида етказиб берувчининг тарозисида ижро этувчи ва етказиб берувчи вакиллари амалга оширади.

Той бўйича тортиш натижаларига кўра, ижро этувчи ва етказиб берувчининг асл муҳри билан тасдиқланадиган ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Той бўйича тортиш далолатномаси расмийлаштирилади. Битта нусхаси буюртмачининг вакилига берилади. Етказиб берувчи Той бўйича тортиш далолатномасига асосан ҳисоб сертификатини расмийлаштиради. Той бўйича тортиш далолатномасининг амал қилиш муддати Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугагандан кейин тугайди.

14. О'з DSt 841 стандартига асосан етказиб берувчининг пресслаш цехида фойдаланадиган тарозисининг ўйл қўйилган тортиш хатоси (саноқ шкаласининг бўлиниш баҳоси камида 0,2 кг) камида $\pm 0,5$ кг бўлиши лозим. Тортиш натижаси аниқ қилиб, вергулдан кейин биринчи белгигача ёзилиши лозим.

15. Агар терминалда туркумни назорат тартибида тортиш кўришда тойнинг ўртacha массаси Той бўйича тортиш далолатномасида кўрсатилган тойнинг дастлабки масасидан кўпи билан $\pm 1,0$ килограммдан ортиқ бўлмаса, Той бўйича тортиш далолатномаси маълумотлари тўғри деб ҳисобланади. Ижро этувчи ва етказиб берувчининг Той бўйича тортиш натижалари бунда ўзгартирилмайди.

16. Ижро этувчи ва етказиб берувчининг Той бўйича тортиш далолатномасида кўрсатилган маълумотлари билан тойга нисбатан терминалда тойнинг ўртacha массаси бўйича $\pm 1,0$ килограммдан ортиқ тафовут аниқланганда, буюртмачи уларни

хабардор қиласи, сўнгра ижро этувчи вакили З иш кунидан харидор ёки буюртмачи вакиллари билан биргаликда қайта тортиб кўриш учун келиши лозим. Бунда етказиб берувчи вакили қайта тортиб кўришда иштирок этиши зарур. Қайта тортиб кўриш далолатномаси асосида етказиб берувчи Ҳисоб-китоб-сертификатига ўзгартиришлар киритади.

Массаси бўйича тафовут тасдиқланган тақдирда, ижро этувчи ўз ҳисобидан қайта тортиб кўришни амалга оширади. Етказиб берувчи ва буюртмачи пахта толасининг 100 фоизли низоли ҳажмини қайта тортиш асосида тузилган ижро этувчи далолатномалари асосида ҳақиқий массасини ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Массаси бўйича тафовут тасдиқланмаган тақдирда, Кип бўйича ўлчаш далолатномаси маълумотлари ўзгартасдан қолдирилади, қўшимча харажатлар эса буюртмачининг ҳисобига қўшилади.

17. Агар ижро этувчининг вакили 100 фоизли қайта тортиб кўришни амалга ошириш учун З кун муддатда келмаса, ижро этувчи мазкур Низомнинг VI бўлимига мувофиқ жавобгар бўлади, харидор томонидан жалб қилинган холис назорат ташкилотининг пахта толаси тойи массаси бўйича маълумотлари эса етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун якуний маълумотлар ҳисобланади.

18. Ижро этувчи пахта тозалаш заводида ва терминалда тайёр маҳсулотнинг тойи массасини танлаб текшириш ҳамда талабга жавоб бермайдиган натижалар бўлганда ижро этувчи ва етказиб берувчи томонидан тузилган дастлабки Той бўйича тортиш далолатномасини бекор қилиш хукуқига эга.

IV. Пахта толасини синаб кўриш

19. Пахта толасининг ҳар бир тойини синаб кўришни O'z DSt 604 стандартига асосан ижро этувчи мутахассислари амалга оширади. Синаб кўриш натижаларида пахта толасининг узунлиги (типи), нави ва класси, «Микронейр» кўрсаткичи аниқланиди, шунингдек пахта толасининг намуналарида сифат камчиликлари ва бегона аралашмалар (урӯғ, линт, ёғ, хид ва бошқалар) мавжудлигини аниқлайди.

Лабораторияда пахта толаси нави ҳамда классер баҳолашда етказиб берувчининг вакили қатнашиши мумкин.

20. Пахта толаси сифатини той бўйича синаб кўриш натижалари ушбу Низомнинг З-илова шакли бўйича Синаб кўриш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Синаб кўриш далолатномасида, шунингдек, пахта толасининг O'z DSt 604 стандарти талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги кўрсатилади. Номувофиқ бўлган тақдирда Синаб кўриш далолатномасида мазкур Низомга 4-илова бўйича пахта толаси сифатининг камчиликлар кодлари кўрсатилади.

Синаб кўриш далолатномасини линия супервайзери, классификатор имзолайди ҳамда минтақавий лаборатория бошлиғи тасдиқлайди.

Синаб кўриш далолатномасининг битта нусхасини ижро этувчи етказиб берувчи вакилига беради.

V. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш

21. Синаб кўриш далолатномасида келтирилган той бўйича синаб кўриш натижалари асосида етказиб берувчи пахта толаси туркумининг рухсат берилган учта классигача иштироки билан унинг типи, саноат ва селекция нави бўйича бир тури-

ни бутлайди, бутланган туркумнинг брутто массасини, нетто массасини ҳамда кондицион массасини аниқлайди.

Минтақавий лаборатория бутланган туркум учун ушбу Низомга 5-илова шакли бўйича Синаб кўриш протоколини расмийлаштиради. Синаб кўриш протоколини ижро этувчининг вакиллари имзолайди.

Минтақавий лабораториядаги ижро этувчининг ваколатли вакили Синаб кўриш протоколи асосида пахта толасининг синаб кўрилган туркумига унинг иккита нусха-дубликати билан Мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради, уни рўйхатдан ўтказади ҳамда минтақавий лаборатория (хизмат кўрсатиш белгиси) муҳри билан тасдиқлади. Асл нусхаси етказиб берувчининг вакилига берилади. Нусха-дубликатнинг биттаси буюртмачига юборилади, иккинчиси эса минтақавий лабораторияда қолдирилади.

Мувофиқлик сертификати ўзбек, рус ёхуд инглиз тилларида тўлдирилади. Мувофиқлик сертификатини тўлдириш намунаси ушбу Низомга 6-иловада келтирилган.

Сертификат рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати O'z DSt 841:1997 стандарти бўйича пахта толасини ташиш ва сақлаш шартларига риоя қилинганда 6 ойга белгиланади.

22. Мувофиқлик сертификати ҳар бир туркумига алоҳида-алоҳида берилади, бунда пахта толаси туркумнинг сифати ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 7-иловага асосан Мувофиқлик сертификатига иловада келтирилади. Буюртмачи билан келишувга кўра Мувофиқлик сертификати бир нечта туркумлари учун берилиши мумкин.

+ 23. Пахта толасини терминалга юклаб жўнатиш вақтида етказиб берувчи юклаб жўнатиш ҳужжатларига Мувофиқлик сертификатининг асл нусхасини ҳамда унга иловани солиб қўйиши шарт.

- 24. Пахта толасининг бир нечта (бироқ учтадан кўп бўлмаган) класслари мавжуд бўлган туркумига Мувофиқлик сертификатлари (нусхаси) ҳар бир классга алоҳида-алоҳида берилади.

25. Кўйидаги ҳолларда Мувофиқлик сертификати берилмайди:

- пахта толаси намуналарида уруф, линт, пахтани дастлабки қайта ишлаш чиқиндилари, чириганлик ҳиди ёки тола нави ва классини классер баҳолаш амалга ошириладиган пахта толасининг расмий намуналарида бўлиши мумкин бўлмаган бошка аралашмалар мавжуд бўлганда;

- пахта толаси саноат навига тегишли бўлган “Ифлос” класси чегарасидан ортиқча ифлосланганда;

- тола ранги ёки унинг ташки кўриниши пахта толасининг этalon намунасига мувофиқ бўлмагандан;

- ўрта ва узун толали пахта толаси аралаш бўлганда;

- турли саноат навлари тойлари мавжуд туркумга;

- тойлар зарур даражада тамғаланмаганда, уларни ўраш бузилганда, ифлос бўлганда, тойнинг сирти сув таъсирида заарланганда, шунингдек пахта толаси туркумига ҳужжатлар мавжуд бўлмагандан.

26. O'z DSt 604 стандарти талабларига жавоб бермайдиган, ушбу ҳужжатнинг 25-бандида санаб ўтилган белгилар бўйича Мувофиқлик сертификати бериб бўлмайдиган пахта толаси аниқланган тақдирда ижро этувчи мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича икки нусхада Номувофиқлик тўғрисидаги билдиришномани расмийлаштиради. Билдиришномани ижро этувчи вакиллари имзолайди, минтақавий лаборатория муҳри (Хизмат кўрсатиш белгиси) билан тасдиқлади.

Билдиришноманинг бир нусхаси пахта тозалаш заводи вакилига берилади, иккинчи нусхаси миңтақавий лабораторияда қолади.

Миңтақавий лаборатория O'z DSt 604 стандарти талабларига жавоб бермайдиган пахта толаси бўйича ахборотларни тизимлаштиради ва умумлаштиради ҳамда маълумотларни Тошкент шаҳридаги «Сифат» марказининг Сертификатлаш бошқармасига ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасига беради.

27. O'z DSt 604 стандарти талабларига жавоб бермайдиган пахта толаси ҳар бир туркумини синаш натижалари мазкур Низомга 9-иловада келтирилган шакл бўйича Пахта толасининг инспекция далолатномаси билан расмийлаштирилади, уни ижро этувчининг вакиллари имзолайди, миңтақавий лаборатория бошлиғи тасдиқлайди ва унга ижро этувчининг миңтақавий лабораториясининг ҳақиқий муҳри (Хизмат кўрсатиш белгиси) қўйилади.

Инспекция далолатномаси Мувофиқлик сертификати ўрнига пахта толасининг сифати тўғрисидаги хужжат хисобланади.

O'z DSt 604 стандарти талабларига жавоб бермайдиган пахта толасига берилган Инспекция далолатномалари ижро этувчи томонидан белгиланган тартибда хисобга олиниши ва рўйхатдан ўтказилиши лозим.

28. Ўтказилган инспекция натижаларига кўра харидор томонидан терминалда Сифат ва микдор бўйича қабул қилиш далолатномаси имзоланади. Харидорлар томонидан имзоланган Сифат ва микдор бўйича қабул қилиш далолатномалар нусхалари буюртмачилар томонидан ҳар куни ижро этувчининг миңтақавий лабораториясига берилади.

29. Етказиб берувчи ёки харидор пахта толасини сертификатлаш натижаларига рози бўлмаган тақдирда уларнинг апелляциялари «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда РД Уз51-026-94 «НСС Уз. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби»га мувофиқ кўриб чиқилади.

VI. Ижро этувчининг жавобгарлиги

30. Ижро этувчи ўзи синаб кўрган пахта толаси туркуми ҳажмининг нави, класси, узунлиги ва микронейрини (той ичидаги бракдан ташқари) аниқлаш бўйича хизматлар кўрсатишда шартнома мажбуриятларининг зарур дараҷада бажарилиши учун қўйидаги моддалар:

— пахта толасини сақлаш, етказиб бериш ва терминалдан пахта тозалаш заводига қайтариш харажатлари;

— Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Республика хўжалик судларида рекламациялар ва даъволарни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар бўйича мулкий жавоб беради.

31. Харидорнинг терминалда тойӣ массасининг амалдаги фарқи $\pm 1,0$ килограммдан ортиклиги тўғрисидаги даъвоси тасдиқланган тақдирда ижро этувчи буюртмачига унинг тойларни қайта тортиб кўриш ва нормативдан ортиқ сақлаш хизматларига ҳақ тўлаш (тойлар массасидаги фарқ қўйматидан ташқари) харажатларини тўлайди, шунингдек айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ зарур чоралар кўради.

Ижро этувчи Ўзбекистон Республикаси терминалларида қайта тортиб кўришда:

хато кўрсатиши йўл қўйиладиган нормадан $\pm 0,5$ килограммдан ортиқ бўлган тарозилардан фойдаланганлигини ёки масса вергулдан кейинги биринчи ўнлик ракам хисобга олинмасдан бутун рақамгача яхлитланган холда ёзилганлигини;

тарозилар ваколатли органлар томонидан текширилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга эмаслигини;

O'z DSt 841 стандарти талаблари бузилган холда ташилган ва сакланган тойлар тортилганлигини исботласа тойларнинг массаси бўйича даъволар қондирилмайди.

32. Харидорнинг сертификатлаш ва тортиб кўриш натижаларига нисбатан даъволари тасдиқланмаган тақдирда даъволарни кўриб чиқиш билан боғлик барча харажатларни буюртмачи тўлайди.

33. Харажатларни қоплаш бўйича буюртмачи ва ижро этувчи ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.

VII. Буюртмачининг жавобгарлиги

34. Буюртмачи белгиланган тартибда расмийлаштирилган Мувофиқлик сертификати (Инспекция далолатномаси), Тойлар бўйича тортиш далолатномаси ҳамда Терминалда сифат ва миқдор бўйича қабул қилиш далолатномаси мавжуд бўйлмаганда терминаллардан пахта толасини юклаб жўнатишга ҳақли эмас.

35. Буюртмачи харидорлар билан тузиладиган контрактларда пахта толасини факат Ўзбекистон Республикаси худудидаги терминалларда сифат ва миқдор бўйича қабул қилишни назарда тутади, бунда харидор вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида қабул қилинган пахта толаси туркумлари сифати ва массаси (той ичидаги брак бундан мустасно) бўйича даъво қилишга ҳақли эмаслиги шарти кўрсатилади.

36. Республика худудидан ташқарида пахта толасининг тойлар ичидаги браки бўйича низоли масалаларни кўриб чиқиши зарурияти пайдо бўлган холларда буюртмачи етказиб берувчининг мутахассисларига виза олишда кўмаклашиши зарур.

37. Буюртмачи ижро этувчига терминалларда доимий ваколатхона учун бино бериши шарт. Пахта толасини экспорт қилиш билан боғлик масалаларни ўз вақтида ва тезда ҳал қилиш мақсадида буюртмачи ижро этувчининг терминаллардаги вакилларига терминалларга келиб тушаётган, харидорлар томонидан қабул қилинаётган ва юклаб жўнатилаётган пахта толаси туркумлари тўғрисида ахборот бериши зарур.

38. Буюртмачи ижро этувчи ва етказиб берувчи томонидан тортилган тойлар массасини қайта текшириш учун жалб қилинаётган инспекция компанияларидан улар қўллаётган тарозиларнинг хато кўрсатиши тўғрисидаги маълумотларни ва ваколатли орган томонидан тарозилар текширилганлиги ҳақидаги гувохномани талаб қилишга ҳақли.

VIII. Етказиб берувчининг жавобгарлиги

39. Етказиб берувчи:

- пресслаш цехида пахта толаси тойларини тортиш учун O'z DSt 841:1997 стандарти талабларига мувофиқ бўлган тарозиларни ўрнатиши;

- терминаллар (омборлар)га ифлосланмаган, ҳиди ва намлиги юқори бўлмаган, вагон нормасидаги типи ва нави бўйича бир турдаги туркумлар етказиб берилишини таъминлаш юзасидан барча чора-тадбирларни кўриши;

- намуна олиш жойларида пичоқ билан кесилган тойларни ўраш воситаларининг тикланишини таъминлаши;

- пахта тозалаш заводлари прессларида пичоқларнинг нормал ҳолатини ва уларнинг ўз вақтида алмаштирилишини таъминлаши;

— ижро этувчини пахта тозалаш заводларида пахта толаси намуналарини сақлаш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун бино билан таъминлаши;

— пахта толаси тойларининг O'z DSt 841 стандартига мувофиқ ўраб-жойланишини, маркировка қилинишини ва ташилишини таъминлаши зарур.

40. Етказиб берувчи белгиланган тартибда расмийлаштирилган Мувофиқлик сертификати (Инспекция далолатномаси) ва Тойлар бўйича тортиш далолатномаси мавжуд бўлмаганда пахта толасини терминалга юклаб жўнатишга ҳақли эмас.

41. Тойлар ичиди брак аниқланган ҳолларда етказиб берувчи ушбу ҳажмларни сотиш ва қайтариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар бўйича мулкий жавоб беради.

42. Харидорнинг туркумдаги ҳар бир тойнинг ўртача массасидаги фарқ $\pm 1,0$ килограммдан ортиқлиги тўғрисидаги даъвоси тасдиқланган ҳолларда етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар пахта толаси туркумнинг ҳакиқий массаси бўйича амалга оширилади.

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Намуналар олиш далолатномаси шакли

**«Сифат» марказининг _____ минтақавий
лабораторияси**

—-сон Намуналар олиш далолатномаси

Намуна олиш жойи _____ 200____ й. «___» _____
Тайёрловчининг номи _____ Пахта толаси туркуми № _____
пахта тозалаш заводи коди

Пахта хом ашёси туркуми № _____ Пахта хом ашёси нави _____

Пахта хом ашёси класси _____

Селекция нави коди _____

Пахта хом ашёси туркумидага тойлар сони _____

Штрих-код тартиб рақами: Тойнинг тартиб рақами:

_____ дан _____ гача _____ дан _____ гача

_____ дан _____ гача _____ дан _____ гача

_____ дан _____ гача _____ дан _____ гача

Олинган намуналар сони ____ Олинган намуналар массаси, ____ кг

Ўраш, белги қўйиш ва бузилган ҳолатлар билан тайёрланган тойларнинг тартиб рақами _____

Ф.И.О. _____

Имзо _____

Пахта тозалаш заводидаги
«Сифат» маркази гурух
бошлиғи

Ф.И.О. _____

Имзо _____

«Сифат» марказининг
танловчи-тарозибони

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби түғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**«Сифат» марказининг _____ минтақавий
лабораторияси
_____ -сон Той бўйича тортиб кўриш далолатномаси**

Тайёрловчининг номи _____ 200__ йил «____» _____

пахта тозалаш заводи коди

Пахта толаси туркуми № ____ Пахта толаси туркумидаги тойлар сони ____

Штрих-коди тартиб раками _____ дан _____ гача

Той- лар т/р	Тойлар массаси, кг										
1	41		81		121		161		201		
2	42		82		122		162		202		
3	43		83		123		163		203		
4	44		84		124		164		204		
5	45		85		125		165		205		
6	46		86		126		166		206		
7	47		87		127		167		207		
8	48		88		128		168		208		
9	49		89		129		169		209		
10	50		90		130		170		210		
11	51		91		131		171		211		
12	52		92		132		172		212		
13	53		93		133		173		213		
14	54		94		134		174		214		
15	55		95		135		175		215		
16	56		96		136		176		216		
17	57		97		137		177		217		
18	58		98		138		178		218		
19	59		99		139		179		219		
20	60		100		140		180		220		
21	61		101		141		181		221		
22	62		102		142		182		222		
23	63		103		143		183		223		
24	64		104		144		184		224		
25	65		105		145		185		225		
26	66		106		146		186		226		
27	67		107		147		187		227		
28	68		108		148		188		228		
29	69		109		149		189		229		
30	70		110		150		190		230		
31	71		111		151		191		231		
32	72		112		152		192		232		
33	73		113		153		193		233		
34	74		114		154		194		234		
35	75		115		155		195		235		
36	76		116		156		196		236		
37	77		117		157		197		237		
38	78		118		158		198		238		
39	79		119		159		199		239		
40	80		120		160		200		240		

Брутто массаси ____ кг, Идишлар массаси ____ кг, Нетто массаси ____ кг

Пахта тозалаш заводидаги «Сифат» маркази
гурух бошлиги

Имзо _____ М.Ў. _____ Ф.И.О. _____

«Сифат» марказининг танловчи-тарозибони

Имзо _____ Ф.И.О. _____

Пахта тозалаш заводи вакили

Имзо _____ М.Ў. _____ Ф.И.О. _____

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Сифат» маркази лабораторияси бошлиги

—сон HVI тизимида СИНАБ КЎРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

М.ў.

имзо

Ф.И.О.

Синаб кўриш далолатномасини расмийлаштириш намунаси

Office name (Лаборатория)			Андижон			Gin number (завод т/р)		Lot number (туркум т/р)		HVI number (HVI т/р)		Classer (Классификатор)		
T/p	Bale number (тойлар т/р)	HVI тизими												Remarks (Изоҳ)
		Sort (Нави)	Class (Класси)	Type (Типи)	Staple (Узунлик коди)	Length (Узунлиги), дюйм	Mic (Микро- нейр)	Strength (Солиши- тирма узилиш юки), гс/текс	Rd (қайтариш коэффи- циенти) %	+b (Сарни- клик даражаси)	Trash Code (Ифлос- ланганлик коди)	SFI (Калта тола индекси), %	Uniformity (Узунлиги бўйича бир текисдалик индекси), %	
1	2820	1	4	4	37	1,15	4,6	34,6	78,7	8,1	5	8,7	85,1	6,7
2	2821	1	4	4	37	1,16	4,3	34,6	78,1	8,6	3	8,1	84,6	5,5
3	2822	1	3	4	37	1,16	4,7	32,7	77,8	7,8	5	10,0	83,9	5,8
4	2823	1	4	3	38	1,19	4,2	34,0	80,3	8,1	3	5,8	84,1	6,1
5	2824	1	4	3	38	1,21	4,3	36,7	78,3	8,5	4	9,4	83,8	5,9
6	2825	1	4	4	37	1,16	4,4	34,6	77,8	8,8	5	6,1	83,7	5,5
7	2826	1	4	4	36	1,12	4,6	32,7	78,4	8,1	5	6,7	84,4	5,9
8	2827	1	4	3	38	1,16	4,4	34,8	78,2	8,0	4	12,5	83,7	5,6
9	2828	1	4	4	36	1,13	4,5	33,2	78,1	7,9	4	6,4	84,8	6,2
10	2829	1	4	3	38	1,19	5,0	33,6	78,7	8,2	4	5,8	82,0	5,7
MIN	1	3	3	36	1,12	4,2	32,7	77,8	7,9	3	5,8	82,0	5,5	
MAX	1	4	4	38	1,21	5,0	36,7	80,3	8,8	5	12,5	85,1	6,7	
AVERAGE (Ўртача)			37,2	1,16	4,5	34,15	78,44	8,21	4,2	7,95	84,01	5,89		
STD. DEV. (Ўртача квадрат оғиш)			0,79	0,03	0,24	1,20	0,72	0,32	0,79	2,22	0,86	0,37		
CV % (Ўзгариш коэффиценти)			2,12	2,37	5,24	3,51	0,92	3,91	18,78	27,88	1,02	6,27		

Classer (Классификатор) _____

Линия супервайзери _____



Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби түғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**EXTMATTER (бегона аралашмалар коди) устунида
класификатор томонидан кўрсатиладиган пахта толаси
сифатининг нуқсонлари кодлари**

Нуқсон номи	Даражаси	Коди
1. Тола намуналари тузилмасининг ташқи кўриниш намуналарига номувофиқлиги (PREPARATION)	Заиф Кучли	01 02
2. Тола намуналари тузилмасининг ташқи кўриниш намуналарига номувофиқлиги	Ранг Қора шира Чиқиндилар Улюқ Момиқ	03 04 05 06 07
2. Fўза пояси пўстлоги ва чўпи мавжудлиги (BARK/STALK)	Паст Юқори	11 12
3. Ўтлар мавжудлиги (GRASS)	Паст Юқори	21 22
4. Ургулар бўлаклари мавжудлиги (SEED-COATER fragments)	Паст Юқори Ург угаси	31 32 33
5. Мойланган тола мавжудлиги (OIL)	Заиф Кучли	41 42
6. Толада қивчинлар мавжудлиги (SPINDLE TWIST)	Паст Юқори	51 52
7. Бошқа аралашмалар мавжудлиги (OTHER)	Паст Юқори Хид Тамғалаш Ўраш	61 62 63 64 65
8. Битта тойдаги толанинг ҳар хил нави (TWO SIDED BALE)		75
9. Чигитдан пахтани қайта ажратиш (REGINNID)		76
10. Толани қайта пресслаш (REPACKED)		77
11. Биринчи нав толанинг Ифлос классидан ортиқча ифлосланиши (Below Grades)		81
12. Иккинчи нав толанинг Ифлос классидан ортиқча ифлосланиши (Below Grades Light Spotted)		82
13. Учинчи нав толанинг Ифлос классидан ортиқча ифлосланиши (Below Grades Spotted)		83
14. Тўртинчи нав толанинг Ифлос классидан ортиқча ифлосланиши (Below Grades Tinged)		84

Нуқсон номи	Даражаси	Коди
15. Бешинчи нав толанинг Ифлос классидан ортиқча ифлосланиши (Below Grades Yellow Stained)		85
16. Чигитдан пахтани валикли ажратишда олинган ўрта толали пахта (UPLAND – PIMA GIN)		91
17. Чигитдан пахтани аррали ажратишда олинган узун толали пахта (PIMA- UPLAND GIN)		92
18. Ўрта толали пахтада узун толали <i>Подмеска</i> (PIMA- UPLAND)		93
19. Узун толали чирик пахта (FIRE DAMAGED – PIMA)		94
20. Сув билан заарланган узун толали пахта (WATER DAMAGED – PIMA)		95
21. Узун толали пахтада ўрта толалининг аралашуви (UPLAND – PIMA)		96
22. Ўрта толали чирик пахта (FIRE DAMAGED – UPLAND)		97
23. Сув билан заарланган ўрта толали пахта (WATER DAMAGED – UPLAND)		98

—

+

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Пахта толасини Синаб кўриш далолатномаси протоколи шакли
(Тўлдириш намунаси)

« Т А С Д И К Л А Й М А Н »

Сифат маркази лабораторияси бошлиғи
№ UZ.AMT.07.MAI.475 (_____
(лаборатория коди)

(манзил)

имзо М. Ў. Ф.И.О.

—сон Синаб кўриш протоколи

_____ ш. 200____ й. «____» _____

Тайёрловчининг номи _____ 200 ____ йил ҳосили
пахта тозалаш заводи коди

Синаб кўриш натижалари:

Туркум т/р	Тойар сони (тн)	Нетто массаси (кг)	Селекция коди	Типи	Нави/класси	Штапель узунлиги, кодларда	Микронейр	Изюх
26	222	49988	52	5	1/ўрта	35	4,4	

Линия супервайзери

имзо

М. Ў.

Ф. И. О.

Классификатор

имзо

Ф. И. О.

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Мувофиқлик сертификатини тўлдириш намунаси

НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН Узбекский центр сертификации химикатного сырья "Сифат" город Ташкент, улица М.Уйгура, тупши К.Шарк, 109 UZAMT.06.MAI.065. <small>(Номер схемы органа по сертификации, адрес, № в ГБ, реестре)</small>	
№ 0346801	
СЕРТИФИКАТ СОГЛАСНОСТИ	
 Зарегистрирован в Государственном реестре "14" октября 2005 г. № УЗАМТ.01.065.0433452 Действителен до "14" апреля 2006 г. Код ОКП 811110 Код ТН ВЭД 520100900	
АООТ «Аккурган» Республика Узбекистана <small>(Наименование, фамилия, отчество руководителя)</small> На настоящий сертификат удостоверяется, что идентифицированный должным образом продукция: Балаки хлопковые	
<small>(подпись руководителя, тик. или. марка)</small>	
Согласно приложения <small>количество и наименование продукции</small> соответствует требованиям нормативной документации "Балаки хлопковые. Технические условия" №7	
Схема сертификации: АООТ «Аккурган» <small>(Наименование)</small> Ташкентская область, Аккурганский район	
Сертификат выдан на основании: Акт отбора проб №17 от 12.10.2005 г. ОС "Сифат" <small>(номера документов)</small>	
№ испытаний образца: Протокол испытаний №224 от 14.10.2005 г. Выполненный Узбекским центром "Сифат", Ташкентской региональной лаборатории UZAMT.07.MAI.475(12)	
<small>в) акта проверки производителя</small> Не предусмотрен схемой сертификации <small>Испытационный контроль осуществляется</small> Не предусмотрен схемой сертификации <small>с периодичностью:</small>	
Особые отметки: Сертификат соответствия без приложения не действителен	
Знак соответствия проставляется: Не предусмотрен схемой сертификации	
<small>Примечание: Коды центров сертификации</small> Руководитель органа по сертификации Узбекистанской Академии наук при Ташкентской области	
<small>действительность заявки подтверждается печатью органа по сертификации или</small> Султанибеков К.А. <small>(Ф.И.О.)</small>	

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби түғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Мувофиқлик сертификатига илова шакли

**_____ -сон Мувофиқлик сертификатига
ИЛОВА**

Давлат реестри тартиб рақами _____

_____ ш. 200____ й. «_____» _____

Махсулот номи: Пахта толаси

Завод/ туркум т/р	Тойлар сони, дона	Туркум- нинг нетто массаси (кг)	Сифат назорати натижалари				Изоҳ
			Типи	Нави/ Класси	Штапель узунлиги, кодларда	Микронейр	

+

-

«Сифат» маркази Сертификатлаш
органининг _____ минтақавий
лабораторияси ваколатли вакили

_____ М. Ў.
ИМЗО _____ Ф.И.О.

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Пахта толасининг **O'z DSt 604** талабларига номувофиқлиги тўғрисидаги
хабарнома шакли

«Сифат» маркази лабораториясининг номи

**Пахта толасининг O'z DSt 604 стандарти талабларига
номувофиқлиги тўғрисидаги
— сон БИЛДИРИШНОМА**

200___ йил «___» _____

Биз, қўйида имзо чекувчилар — «Сифат» маркази вакиллари, Сизга хабар қила-
мизки, -____ сон туркум бўйича _____

пахта тозалаш заводининг номи ва коди

пахта тозалаш заводида олинган пахта толаси намуналарини кўриб чиқишда улар-
нинг O'z DSt 604 талабларига қўйидаги кўрсаткичлар бўйича номувофиқ деб ҳисоб-
ладик:

Минтақавий лаборатория
бошлиғи

Имзо _____ М.Ў. _____

Ф.И.О

Классификатор

Имзо _____

Ф.И.О

+

Пахта толасини сертификатлаш ва тортиш
тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Пахта толасининг инспекция далолатномаси шакли

«ТАСДИКЛАЙМАН»

«Сифат» маркази лабораторияси бошлиги
№ UZ.AMT.07.MAI.475 (_____
(лаборатория коди)

_____ (манзил)

имзо **M. Ў.** Ф.И.О.

200 ____ й. «____» _____ ш.

**ПАХТА ТОЛАСИННИНГ ИНСПЕКЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ
- СОН**

Буюртмачи _____
Ушбу далолатнома тасдиқлайдики, пахта толаси
_____ пахта тозалаш заводи 200 ____ йил ҳосили
(номи ва коди)

+ Туркум т/р _____ Тойлар сони _____ Нетто массаси _____
нави _____ Класси _____ Штапель узунлиги _____
Микронейр _____
Толанинг (O'z DSt 604 стандарти талабларига жавоб бермайдиган) тавсифи

Линия супервайзери _____ **M. Ў.** _____
Имзо _____ Ф.И.О.

Классификатор _____ _____
Имзо _____ Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 29 августдаги
ПҚ-456-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Пахта толасини ихтисослаштирилган мintaқавий пахта
терминалларида бирйўла сақлаш
Ҳ А Ж М И**

(минг тонна)

T/п	Терминал номи	Мintaқалар	2006 йил 1 августдаги ҳолатига кўра терминаллarda бирйўла сақлаш ҳажми	Бирйўла сақлашга қўшимча топширила- диган ҳажмлар
1.	«Паруаз» очиқ акциядорлик жамияти	Қорақал- погистон Республикаси	7,0	
2.	«Қорақалпоқ тола» масъулияти чекланган жамият		5,0	
3.	«Андижон тола» мintaқавий пахта терминалли	Андижон вилояти	30,7	10,0
4.	«Бухара Транс Терминал» Ишлаб чикариш-транспорт компанияси масъулияти чекланган жамият	Бухоро вилояти	30,0	5,0
5.	«Пахтакор тола базаси» масъулияти чекланган жамият	Жиззах вилояти	10,5	
6.	«Олга» масъулияти чекланган жамият		10,0	
7.	«Нишон толаси» очиқ акциядорлик жамияти	Қашқадарё вилояти	12,0	
8.	«Қамаши тола» мintaқавий пахта терминалининг шўйба корхонаси		12,6	
9.	«Карши-Тола» мintaқавий пахта терминалининг шўйба корхонаси		22,0	
10.	«Навоий тола» масъулияти чекланган жамият	Навоий вилояти	7,0	
11.	«Интер тола» масъулияти чекланган жамият	Наманган вилояти	35,0	
12.	«Самарқанд тола» масъулияти чекланган жамият	Самарқанд вилояти	10,0	
13.	«Улугбек-тола» масъулияти чекланган жамият		12,0	
14.	«Музрабод тола базаси» масъулияти чекланган жамият	Сурхондарё вилояти	12,0	
15.	«Жаркўргон тола базаси» масъулияти чекланган жамият		20,0	
16.	«Sirdaryo-Oqoltin Tola» масъулияти чекланган жамият	Сирдарё вилояти	10,0	
17.	«Оқолтия пахта маҳсулотлари базаси» очиқ акциядорлик жамияти кўшма корхонаси		45,0	
18.	«Тошкент тола ёпиқ пахта терминали» масъулияти чекланган жамият	Тошкент вилояти	35,0	10,0
19.	«Фарғона тола базаси» масъулияти чекланган жамият	Фарғона вилояти	10,0	
20.	«Кўқон тола базаси» масъулияти чекланган жамият		15,0	3,0
21.	«Хоразм тола» масъулияти чекланган жамият	Хоразм вилояти	12,5	
22.	«Урганч-тола» масъулияти чекланган жамият		10,0	
Республика бўйича жами:			372,8	28,0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон
қарорига
6-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган қонун ҳужжатлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун хисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толасини сотиш механизми тўғрисида» 2003 йил 16 октябрдаги 447-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 10-сон, 98-модда).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун хисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш хақида» 2003 йил 18 октябрдаги 450-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан хисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 9-сон, 90-модда).
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 37 ва 66-бандлари (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда).
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 9-10-сон, 56-модда).
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарори)» 2005 йил 29 декабрдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон, 67-модда).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-330-сон қарорининг 7-банди, 11-бандининг биринчи хатбоши ҳамда қарорга 5 ва 6-иловалар.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

360 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд химоясининг самарадорлигини оширишга қаратилган мамлакат суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш, судларни ҳар томонлама моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Суд департаменти) алоҳида ўрин эгаллайди.

Суд департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Охирги 4 йил мобайнида ижро этилган суд қарорларининг сони 3 бараварга ошди. 2005 йил якунларига кўра, суд ижрочилиари томонидан 2002 йилга нисбатан 17 баравар кўп, яъни 716,8 млрд. сўм маблағ амалда ундирилди.

Судларнинг моддий-техник таъминоти сезиларли яхшиланди. Ушбу мақсадларга ажратилаётган пул маблағлари ҳажми кейинги тўрт йилда 2,7 бараварга кўпайди. Фақатгина 2005 йилда 1,3 млрд. сўм маблағлар эвазига 60 та суд бинолари курилди ва капитал таъмирланди, 14 та янги бинолар сотиб олинди.

Айни пайтда маҳсус ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, лозим даражада иш ташкил этилмаганлиги оқибатида Суд департаменти фаолиятида жиддий хато ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизими самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масъул мансабдор шахслар томонидан мажбурий ундирувлар бўйича юклатилган мажбуриятлар мунтазам рашишда бузиб келинаётганлиги оқибатида, суд ижрочилиари иш юритувига келиб тушган ижро хужжатларидаги ижроси таъминланмаган хужжатлар қолдиги йилдан йилга кўпайиб бормоқда ва 2005 йил якунларига кўра 26 фоизни ташкил этган. Улар бўйича ундирилмай қолган маблағлар эса 445,5 млрд. сўмни ташкил этган.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Суд департаментида конунийликни ҳамда ходимлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш бўйича ишлар сусайтириб юборилган. Текшириш мобайнида етарли иш тажрибасига, маълумотга эга бўлмаган ёхуд хукукни муҳофаза қилиш идораларидағи аввалги хизмати давомида ўз шаънига иснод келтирган шахсларни масъул лавозимларга тайинлаш ҳолатлари аниқланди.

Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш масалалари бўшаштириб юборилганлиги оқибатида Суд департаменти тизимида мансабдорлик жиноятлари охирги 3 йил давомида деярли 14 бараварга ортган.

Суд департаменти раҳбарлари ва ходимлари томонидан қарздорларнинг молмулкини сотишида сунистемолликлар, ижро ишини юритишида сансалорлик ва муддат бузилишлар, кўчмас мулк обьектлари ва автотранспорт воситалари нархини

+

қасдан камайтириш, шунингдек порахўрлик ҳолатлари учрамоқда. Ижро хужжатларини рўйхатга олмасдан яшириш ҳолатлари мавжуд.

Тизимда усулий-тахлилий ишлар лозим даражада ташкил этилмаган. Судьялар, суд процесслари ва уларнинг иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу соҳада зарур ташкилий-хукукий механизmlар ишлаб чиқилмаган.

Соҳадаги бундай аҳвол, авваламбор, Суд департаментида ишларнинг коникарсиз даражада ташкил этилганлиги, раҳбар кадрларнинг малакасизлиги ва улар томонидан конунийликни бузуб келиниши натижаси бўлиб, ўз навбатида мамлакатда суд тизими обрўсига путур етказмоқда ҳамда суд-хукуқ соҳасида амалга оширилётган ислоҳотларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мавжуд салбий ҳолатнинг юзага келишига охирги йилларда Суд департаментига суд карорларини ижро этиш бўйича бир қатор қўшимча вазифаларнинг юклиниши сезиларли таъсирини ўтказди. Жумладан, бюджет олдидаги бокиманда қарзларни карздорнинг мол-мulkни хисобидан мажбурий ундириш, давлат даромадига ўтказилган мол-мulkни йўқ қилиб ташлаш ёки сотиш, молиявий жарималарни тадбиркорлик субъектларидан суд тартибида ундириш каби вазифаларнинг юклатилиши эвазига суд ижро чилиарининг иш ҳажми кескин ошиб кетди. Суд ижро чилиарининг ўртacha иш ҳажми 2001 йилга нисбатан уч баравардан ортиқ, айrim худудларда эса 6-7 бараварга ошиди. Шу билан бирга, Суд департаменти бўлинмаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижро чилиари фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмади.



Суд карорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, Суд департаментининг унга юклатилган вазифаларни амалга ошириши юзасидан фаолияти самарадорлигини кўтариш мақсадида:



1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Суд департаменти фаолиятига раҳбарлик қилиш, суд карорларини мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлари коникарсиз деб топилсин.

Ишдаги жиддий қонунбузишлар, камчиликлар ва йўл қўйилган суистеъмолликлар учун Суд департаменти директори, айrim таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ходимлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганлиги, текшириш материаллари қонун асосида кўриб чиқиш учун хукуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбарияти (Б. Мустафоев):

кадрлар таркибини ҳалол, виждонли, малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, Суд департаменти бўлинмаларини касбий тайёргарлиги ва маънавий савиясига кўра эгаллаб турган лавозимига номуносиб ходимлардан тозалашни назарда тутган ҳолда 2006 йил 1 ноябрга қадар Суд департаменти ходимларини атtestациядан ўтказсин;

мутахассисларни танлаб олишда холислик ва очик-ойдинликни таъминлаган ҳолда суд ижро чилиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартибини амалиётга жорий қилсин.

Белгилансинки, Суд департаменти директори ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошликларини лавозимларига тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буйруғи билан амалга оширилади.

3. Суд департаменти тузилмасида бошқарув ходимлари сони 22 кишидан, шу жумладан марказий аппаратда 5 кишидан иборат таркибда Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ички хавфсизлик инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари юклатилган вазифаларни амалга ошириша бевосита Суд департаменти директорига бўйсунадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Низоми, ташкилий-штат тузилмаси, Суд департаменти худудий бошкармалари ва туман (шахар) суд ижрочилари бўлимларининг намунавий ташкилий-штат тузилмаси 1—6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қўшимча юклатилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Суд департаменти ходимлари сони 540 нафарга кўпайтирилсин ҳамда Суд департаменти ходимларининг чекланган сони, хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари 1270 нафар, шу жумладан марказий аппарат ходимлари сони 46 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига Департаментнинг ташкилий-штат тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов):

Департаментнинг штат жадвали ва харажатлар сметасига мазкур қарордан келиб чиқсан ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритсан;

Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда суд ижрочилари бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ундирган пул маблағлари миқдори ҳамда ишининг якуний натижаларидан келиб чиқсан ҳолда уларни рағбатлантиришга қаратилган таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсан.

6. Белгилансинки, 2006 йил 1 октябрдан бошлаб суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш фекатина биржалар томонидан маҳсус савдо майдонларида ўтказиладиган очик аукционлар орқали амалга оширилади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги икки ой мuddатда:

баҳоловчиларни танлов асосида танлаб олиш механизмини жорий этишини, шунингдек мол-мулк баҳосини қасдан пасайтирилиши ва бошқа қонунбузилишларни олдини олишни назарда тутган ҳолда Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни;

мол-мулкни сотадиган савдо ташкилотини танлов асосида танлаб олишни назарда тутган ҳолда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ижро ҳужжатлари асосида мол-мулкни (автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк бундан мустасно) сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Р. Косимов) билан биргаликда 2006/2007 ўкув йилидан бошлаб юридик йўналишдаги олий таълим муассасалари ўкув дастурларига ижро иши юритуви бўйича фанлар киритсан, шунингдек мутахассисларни даврий равишида (ҳар беш йилда) Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида мажбурий ижро масалалари бўйича қайта тайёрлашни назарда тутган ҳолда замонавий талаблар ва стандартлар асосида суд ижрочиларини тайёрлаш маҳсус ўкув дастурини ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилишини таъминласин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов) билан биргаликда икки ой муддатда Суд департаментида ижро ҳужжатларининг маълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш, шунингдек суд ижрочилари томонидан ундирилган маблағларни назорат қилишга мўлжалланган ягона ахборот-компьютер тармогини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига суд ижрочиларининг суд, ҳукуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатга олувчи идоралар ва молия-кредит ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишини таъминлашга қаратилган ижро иш юритви тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Ички ишлар вазирлиги (Б. Матлюбов) билан биргаликда икки ой муддатда: судлар, суд процесслари ва уларнинг иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги; судларнинг алоҳида топшириқларини ижро этиш, шу жумладан судга келишдан бўйин товлаган шахсларни мажбурий келтириш тартиби тўғрисидаги; шунингдек, ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда суд ижрочиларининг ички ишлар идоралари билан яқиндан ҳамкорлик қилишини ва ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш назарда тутилсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, шунингдек вазирликлар ва идоралар томонидан ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сон қарорининг 9-банди биринчи хатбошиси ва унга 1—4-иловалар (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 9-сон, 55-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорининг 13-банди учинчи хатбошиси (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда).

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 31 август,
ПК-458-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон
карорига 1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд
қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника
жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг (кейинги ўринларда — Суд департаменти) асосий вазифалари ва ваколатларини белгилаб беради.

Суд департаменти Адлия вазирлигининг идоравий бўйсунувида бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига хисобот беради.

2. Суд департаменти суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича маҳсус ваколатли орган хисобланади.

Суд департаменти тизимига жойлардаги (Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) худудий бошқармалар ҳамда суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари киради.

3. Суд департаменти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Суд департаменти юридик шахс хисобланади, Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк хисоб ракамларига эга.

5. Суд департаменти ўз фаолиятини бевосита ва ҳудудий бўлинмалар орқали амалга оширади.

Суд департаменти ўз фаолиятини судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Суд департаменти одил судловни амалга ошириш жараёнига аралашишга ҳақли эмас.

6. Судларни молиялаштириш республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобига амалга оширилади. Давлат бюджетидан судлар таъминотига ажратиладиган маблағлар алоҳида сатрда кўрсатилади.

Суд департаменти Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси хисобидан ходимлар умумий сонининг 10 фоизигача бўлган доирада қўшимча штат бирликларини таъминлашга ҳақли.

**II. Суд департаментининг асосий вазифалари, функциялари,
ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

7. Куйидагилар Суд департаментининг асосий вазифалари хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш;

судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг ма-лакасини ошириш;

суд ижрочиларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яра-тиш чора-тадбирларини кўриш;

судьялар ва судлар аппарати ходимларининг меҳнат шарт-шароитлари, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш;

судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини таш-кил этиш.

8. Суд департаменти унга юклатилган вазифаларига мувофиқ қўйидаги функ-цияларни амалга оширади:

суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг мажбурий ижро этили-шини таъминлайди, мажбурий ижро этиш конун билан бошқаруви органларига юклатилган хужжатлар бундан мустасно;

ваколатли органларнинг мол-мулкни, шу жумладан хукуқбузарлик буюмлари ва қуроллари ҳамда ашёвий далилларни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлашни назарда тутивчи қарорларини қонун хужжатларида белгиланган тартиб-да ижро қиласди;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаро-лик ва жиноят ишлари бўйича судлари эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда уларни навбатдаги молия йилида маблағ билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқа-ди ҳамда уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли-гига тақдим этади;

бюджетдан ажратиладиган молиявий маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда тегишли банк муассасалари орқали судларга етказади;

судлар фаолиятини зарур даражада таъминлаш масалалари бўйича хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тад-бирларнинг амалга оширилишини таъминлайди, бунинг учун ички ишлар идорала-ри, бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларнинг куч ва восита-ларини белгиланган тартибда жалб қиласди;

хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкларнинг баҳоланиши, сақланиши ва со-тилишини ташкил қиласди;

суд ижрочилари туман (шахар) бўлимларида ижро иши, хужжат айлануви ва статистика ишларининг юритилишини ташкил этади, суд ижрочилари ишини таш-кил этишнинг самарали усусларини ишлаб чиқади ва татбиқ этади;

суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш соҳасидаги қонун хужжатларининг қўлланилиши амалиётини таҳлил қиласди ва умумлаштиради ҳамда уни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига таклиф-лар киритади;

Суд департаменти ва унинг органлари фаолияти натижалари тўғрисида статис-тик ва таҳлилий маълумотларни шакллантиради ва юритади, ижро ишлари ва

+

-

ундирилган маблағлар бўйича маълумотлар банкини белгиланган тартибда юритади;

худудий бўлинмалар фаолиятини бошқаради ва назорат қилади;

марказий аппарат, худудий бошқармалар кадрларини, суд ижро чиларини танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда кадрлар устидан ички назоратни олиб боради;

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади;

Суд департаментининг ваколатига тааллукли масалалар бўйича хорижий давлатларнинг давлат ҳокимияти органлари ва халқаро ташкилотлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қиласи;

конун хужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

9. Суд департаменти ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларга ҳақли:

давлат органлари ва бошқа органлардан, корхоналар, муссасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан зарур хужжатлар ва ахборотни сўраб олиш;

давлат органлари, бошқа юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

конун хужжатларига мувофиқ, судлар ва Суд департаментининг идораларини моддий-техник таъминлаш бўйича буюртмачи сифатида иштирок этиш;

фуқаролик-хукуқий битимларни тузиш.

10. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш жараёнида Суд департаментининг мансабдор шахслари қўйидаги хукуқларга эга:

зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган қарздорларга нисбатан суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижро этилишини ва молиявий хужжатларнинг юритилишини ижро иши юритувига мувофиқлиги юзасидан текшириш;

ижро ишини юритишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга муайян ижро харакатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларга кириш, мазкур бинолар ва омборларни кўздан кечириш, зарурат бўлганда уларни очиш, шунингдек суд ажрими асосида бундай харакатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларда амалга ошириш;

конунга мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидағи ҳисобваракларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларини конун хужжатларига мувофиқ хатлаш;

олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, хусусий мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун сарф-харажатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;

ижро харакатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраш;

қарздорга, унинг мол-мулкига ёки болага нисбатан қидирув эълон қилиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа харакатларни амалга ошириш.

11. Суд департаментининг мансабдор шахслари ўзига берилган хукуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятида давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўймаслиги, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

III. Суд департаменти фаолиятини ташкил этиш

12. Суд департаментига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Адлия вазирининг ўринbosari — Департамент директори бошчилик килади.

13. Суд департаментининг директори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринbosарларга эга бўлади.

14. Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекцияси ўз фаолиятини тезкорлик, холислик ва мустақиллик тамоийлари асосида амалга оширади. Ички хавфсизлик инспекциясининг ходимлари, шу жумладан ҳудудий бошқармаларда фаолият юритувчи ходимлари бевосита Суд департаментининг директорига бўйсунадилар.

Ички хавфсизлик инспекцияси:

Суд департаменти ходимлари томонидан хукуққа хилоф харакатлар содир этишини олдини олиш бўйича иш олиб боради;

ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари, ижро интизоми ва хизмат этикаси бузилганлиги бўйича ҳар бир холатни ҳар томонлама ва холисона ўрганиб чиқади, хизмат текширувларини ўтказади, шу жумладан молиявий-хўжалик соҳасидаги қонунбузарликларни ўрганиш учун иқтисодиёт ва молия соҳасидаги мутахассисларни жалб этади;

ходимларни лавозимдан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарлика тортиш тўғрисида Суд департаменти директорига таклифлар киритади;

Суд департаменти органларини пок, виждонли ва касбий тайёрланган кадрлар билан таъминлаш учун номзодларни ўрганади;

Суд департаменти ходимларини улар фаолиятига ноконуний аралашувлардан, уларнинг ва оила аъзоларининг шахсий ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовузлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини қўради;

Ички хавфсизлик инспекцияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланади.

15. Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилиши ишларини ташкил этадилар, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини амалга оширадилар.

Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, бевосита Суд департаменти томонидан шакллантирилади ва маблағ билан таъминланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Суд департаменти директорига ҳисоб беради.

Суд ижрочилари туман (шахар) бўлимларига катта суд ижрочиси раҳбарлик қилади. Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш Ўзбе-

кистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Суд департаментининг марказий аппарати бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари, ички хавфсизлик инспекцияси ходимлари, худудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари Суд департаменти директорининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда лавозимида тайинланади ва лавозимида озод қилинади. Марказий аппаратининг бошқа ходимлари Суд департаменти директори томонидан лавозимида тайинланади ва лавозимида озод қилинади.

Худудий бошқармаларнинг ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) худудий бошқарма бошлигининг тақдимномасига кўра Суд департаментининг директори томонидан белгиланган тартибда лавозимида тайинланади ва лавозимида озод қилинади.

Катта суд ижрочилари ва суд ижрочилари худудий бошқарма бошлиги томонидан Суд департаменти директори билан келишилган ҳолда лавозимида тайинланади ва лавозимида озод қилинади.

Суд ижрочиси лавозимида тайинлаш учун кадрларни танлаш танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Суд департаменти директори:

1) Суд департаменти, унинг худудий бошқармалари, шунингдек суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қиласди;

2) Суд департаменти ходимларини белгиланган тартибда лавозимида тайинлайди ва лавозимида озод қиласди;

3) Суд департаменти худудий бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботларини тинглайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига қўйидагиларни киритади (тақдим қиласди):

Суд департаменти худудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини;

Суд департаменти ваколатига тааллуқли масалалар бўйича норматив-хукуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини;

Суд департаменти ва унинг худудий бўлинмалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни;

Суд департаменти марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ички хавфсизлик инспекцияси ходимлари ҳамда худудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимида озод қилиш тўғрисида тақдимномаларни;

Суд департаменти ходимларига мартаба даражаси бериш тўғрисида таклифларни;

Суд департаменти ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги таклифларни;

Суд департаменти фаолияти натижалари тўғрисидаги маъruzani (ҳисоботларни);

5) белгиланган тартибда қўйидагиларни тасдиқлайди:

Суд департаменти, унинг худудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шахар) бўлимларининг штат жадвалини;

Суд департаменти марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари тўғрисида низомларни, ички хавфсизлик инспекцияси бундан мустасно;

6) ўз ваколати доирасида Суд департаменти фаолиятини ташкил этиш масала-

лари бўйича барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар, кўрсатмалар ва фармойишлар чиқаради;

7) ажратилган маблағлар доирасида Суд департаменти ходимларига устама ҳаки, мукофотлар ва бошқа рафбатлантиришлар тўлаш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

8) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Суд департаментининг директори Суд департаментига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

18. Суд департаментининг директори жойида бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини ўринбосарлардан бири амалга оширади.

19. Суд департаменти директорининг ўринбосарлари, бошқарма бошликлари, бўлим бошликлари ва бошқа ходимлари ўз фаолиятини Суд департаменти директори томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларга мувофиқ амалга оширадилар.

20. Суд департаменти ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ маҳсус даражали унвонлар ҳамда мартаба даражалари берилади ва белгиланганди хизмат муддати учун устама ҳаки тўлаб борилади.

21. Суд департаменти оператив бошқарув ҳуқуки асосида республика мулки ҳисобланадиган алоҳида мулкка эга.

22. Суд департаментини тугатиши ёки қайта ташкил этиши (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Ўзбекистон Республикаси Президенти карорига кўра амалга оширилади.


Суд департаменти тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда ишдан бўшатилётган ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кафолатланади.

+

-


Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 31 августдаги
ПК-458-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар
фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**




Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 31 августдаги
ПҚ-458-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Суд департаментининг Корақалпогистон Республикаси ва вилоятлар
бўйича худудий бошқармаларининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 31 августдаги
ПҚ-458-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Суд департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 31 августдаги
ПҚ-458-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича суд
ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Жами
2—10

+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 31 августдаги
ПҚ-458-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Тошкент шаҳар суд ижрочилари туман бўлимининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Жами
7—25

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон
қарорига
7-ИЛОВА

**Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро
этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас
мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартағи 140-сон қарорига мувофик, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини (кейинги ўринларда — ижро хужжатлари) ижро этиш юзасидан автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш, шу жумладан уларни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги ижро хужжатлари бўйича сотиш тартибини белгилайди.

2. Ижро хужжатлари бўйича автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк фақатгина биржалар томонидан маҳсус ажратилган савдо майдонларида ўтказиладиган аукцион савдоларида сотилади.

— Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш бўйича ўтказиладиган аукцион савдоларида ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс бевосита ёхуд вакил орқали иштирок этишга ҳақли.

+

3. Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ижро хужжатлари бўйича автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотувчи биржалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан танлов асосида белгиланади.

Зарурат бўлганда, ижро хужжатлари бўйича сотилаётган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк ҳажмини хисобга олган холда ҳар бир худудда танлов асосида бир нечта биржалар белгиланиши мумкин, ушбу биржалар тегишли суд ижроҷилари туман (шаҳар) бўйлимларига бириклирилади.

4. Биржани танлаб олишда унинг тажрибаси ва ишчанлик обрўси, савдо майдонлари, сақлаш жойлари, малакали мутахассисларининг мавжудлиги, ташкилот молиявий аҳволининг қониқарлилиги, қарздорлиги, шу жумладан бюджет олдидаги қарздорлиги ўқлиги, кўрсатиладиган хизматларнинг қиймати ва бошқа мезонлар хисобга олинади.

Биржа ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг (кейинги ўринларда — Суд департаменти) худудий бошкармаси ўртасида муддатини узайтириш ҳуқуқи билан бир йил муддатга шартнома тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда биржа томонидан ушбу шартнома шартларига амал қилинганлиги хамда у томонидан аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги инобатга олинади.

Танловни ўтказиш тартиби, шу жумладан биржаларни танлаб олиш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

**II. Автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни кўздан
кечириш ва баҳолаш**

5. Автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулк аукцион савдоларига қўйилгунга қадар кўздан кечирилиши ва баҳоланиши лозим.

Давлат даромадига ўтказилган автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни кўздан кечириш ва баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартағи 140-сон қарорига мувофиқ уларни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахслари томонидан ташкил этилади.

Ундирувни қарздорнинг мол-мulkига қаратишни назарда тутувчи бошқа ижро хужжатлари бўйича автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни кўздан кечириш ҳамда баҳолаш суд ижрочилари томонидан ташкил этилади.

6. Автомотранспорт воситасининг техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДИХХХ) мутахассисининг, давлат даромадига ўтказишни назарда тутувчи ижро хужжатлари бўйича эса — шунингдек худудий молия идораси вакилининг иштирокида ўтказилади.

Кўчмас мулк ҳолатини кўздан кечириш Ергеодезкастр давлат қўмитасининг худудий органи мутахассисининг, давлат даромадига ўтказишни назарда тутувчи ижро хужжатлари бўйича эса — шунингдек худудий молия идораси вакилининг иштирокида ўтказилади.

Автомотранспорт воситаси ва кўчмас мулкни кўздан кечириш натижалари бўйича суд ижрочиси (давлат даромадига ўтказилган автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулк бўйича — уларни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси) ҳамда кўздан кечиришда иштирок этган шахслар томонидан имзоланадиган кўздан кечириш далолатномаси тузилади.

7. Автомотранспорт воситаси ва кўчмас мулкни баҳолаш ушбу фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахс томонидан амалга оширилади.

Божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун давлат даромадига ўтказилган автомотранспорт воситасини баҳолашда, унинг баҳоси божхона қийматидан келиб чиқиб, бироқ «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида божхона чегараси орқали ўтказишда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларидан кам бўлмаган қийматда белгиланади.

8. Кўздан кечириш ҳамда баҳолаш автомотранспорт воситаси ва кўчмас мулк хатланган кундан бошлаб кўпи билан 3 кун ичida ўтказилади.

Автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни баҳолаш, қоида тариқасида, уларни кўздан кечириш билан бир вақтда ўтказилади.

9. Суд ижрочиси ваколатли органдан давлат даромадига ўтказилган автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни қабул қилишда барча хужжатларни, шу жумладан уларнинг кўздан кечирилганлиги ва баҳоланганигини тасдиқловчи хужжатларнинг мавжудлигини текширади. Зарур хужжатлар бўлмаган, улар белгилangan талабларга мувофиқ келмаган тақдирда, ижро хужжати уч кунлик муддат ичida уни юборган судга қайтирилади, уларнинг мазмуни аниқ бўлмаган ҳолатларда эса — ушбу ҳолатларни ёки ижро этиш усули ва тартибини тушунтириб бериш тўғрисида мурожаат килинади.

+

-

**III. Автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни аукционда
сотиш учун юбориш**

10. Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш суд ижрочиси томонидан бериладиган буюртмалар асосида амалга оширилади.

11. Суд ижрочиси автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни сотиш учун куйидаги муддатларда биржага ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги буюртмани юборади:

давлат даромадига ўтказилган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни белгиланган тартибда расмийлаштирилган хужжатлар билан биргаликда ваколатли органдан олинган куннинг эртасидан кечиктирмай;

башка ижро хужжатлари бўйича ундирувни қарздорнинг мол-мulkигa қаратишда — баҳоловчидан автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисидаги хулоса олинган куннинг эртасидан кечиктирмай.

12. Автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни сотиш тўғрисидаги буюртмага қуйидагилар илова қилинади:

ижро хужжатининг нусхаси;

мол-мulkни хатлаш далолатномасининг нусхаси;

автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни тавсифловчи хужжатлар, шу жумладан уларни кўздан кечириш далолатномаси ҳамда баҳолаш тўғрисидаги хулоса нусхалари;

автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкдан фойдаланиш ёки уларга эгалик қилиш хукуқини тасдиқловчи хужжатларнинг нусхалари.

—
Курилиши тугалланмаган обьектни сотишда юкоридаги хужжатларга қўшимча равишда ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарор, тегишли давлат органнинг қурилиш учун рухсатномаси ҳамда қурилиш бўйича буюртмачининг таъсис хужжатлари нусхалари илова қилинади.
+

13. Автомототранспорт воситалари аукцион ўтказилгунга қадар суд ижрочиси томонидан белгиланган ва уларни сақлашнинг тегишли шароитлари таъминланган маҳсус ажратилган жойларда (ваколатли органлар, ДИҲХХ органлари ва башка ташкилотларнинг сақлаш жойлари, омборлари, жарима майдончаларида) сақлана-ди.

Бунда, суд ижрочиси автомототранспорт воситасидан ўзга шахслар томонидан фойдаланилишига ва бошқача тарзда унга тегилишига чекловни таъминлаши (мухрлаши) шарт.

14. Биржанинг автомототранспорт воситаларининг сақланишини таъминлаш учун зарур шароитларга эга сақлаш жойи мавжуд бўлган холларда, суд ижрочиси автомототранспорт воситасини сақланиш жойини ўзгартиришга ва уни биржага тегишли жойларда сақлаш учун беришга ҳақли. Бунда, қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилиб, суд ижрочиси, мулкни сақлаш учун масъул шахс, шунингдек мулкни сақлаш учун масъул сифатида янгидан тайинланган шахс томонидан имзоланади.

IV. Аукцион ўтказишни ташкил этиш

15. Биржа буюртмани қабул қилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситаларида аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарнома беради.

Хабарнома камида иккита (республика ва вилоят миқёсидаги) оммавий ахборот

воситасида берилади. Такроран хабарнома бериш факатгина илгари эълон қилинган оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.

Аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарнома эълон қилинадиган оммавий ахборот воситалари рўйхати Суд департаменти томонидан белгиланади.

16. Хабарномада қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

аукцион ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

аукцион ўтказиш шакли;

аукцион объекти, шу жумладан кўчмас мулк жойлашган ва автомототранспорт воситаси сақланаётган жой тўғрисидаги маълумот;

аукцион объектиниң дастлабки (бошланғич) нархи;

аукцион иштирокчиларига аукцион объектларини олдиндан бевосита кўрсатиш тартиби;

аукционда иштирок этиш учун аризалар ва бошқа хужжатларни қабул қилиш нинг охирги муддати;

ижро хужжатининг санаси ва рақамини кўрсатган ҳолда хар бир аукцион объекти бўйича бошланғич нархга нисбатан фоизларда (камиде 10 фоиз) ифодаланган закалат пули миқдори ҳамда уни ўтказиш лозим бўлган биржанинг банкдаги ҳисоб рақами реквизитлари;

биржанинг реквизитлари, шу жумладан алоқа (иш) телефони рақами.

17. Аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарнома оммавий ахборот воситаларида уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин берилади.

Автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк аукцион ўтказиш шартлари ўзгартирилмаган ҳолда такроран кимошди савдога қўйилганда, аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарнома уни ўтказишдан камида 15 кун олдин берилиши лозим.

18. Биржа хабарнома эълон қилинган пайтдан бошлаб аукционга қўйилган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан олдиндан белгиланган сана ва вақтда бевосита танишиш имкониятини яратади.

Аукцион иштирокчиларига автомототранспорт воситаси билан олдиндан бевосита танишиш учун шароит яратиш мақсадида, уни саклаш жойи тегишли суд ижрочиси билан биргаликда ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

19. Кимошди савдоларида сотиб оловчи сифатида қатнашиш хуқуқига эга бўлган, аукционда иштирок этиш учун ўз вақтида ариза берган, зарур хужжатларни тақдим қилган ва белгиланган тартибда закалат пулини тўлаган юридик ва жисмоний шахслар аукционда қатнашиши мумкин.

Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

20. Аукционда иштирок этиш учун биржага қўйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

аукционда иштирок этиш тўғрисидаги ариза;

биржанинг банкдаги ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳамда аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарномада назарда тутилган ижро хужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган тўлов хужжатининг (квитанциянинг) нусхаси. Бунда, бир неча аукцион объектлари бўйича закалат пули уларнинг ҳар бири учун алоҳида тўлов топшириқномалари (квитанциялар) билан тўла ниши керак;

белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотларни кўшимча равишда тақдим этадилар.

21. Аукционда иштирок этишга қўйилган шахсларга аукцион иштирокчисининг карточкаси берилади, унда:

сотиб олувчининг аукционда қатнашадиган тартиб рақами;
аукционда сотувга қўйилаётган кимошди савдоси объектининг номи;
ижро хужжатининг тартиб рақами ва санаси қўрсатилади.

22. Суд ижрочилари, Суд департаменти ва унинг худудий бошқармалари, солик, молия, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати идораларининг ходимлари, сотилаётган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни кўздан кечирган ҳамда баҳолаган мутахассисларнинг аукционда иштирок этиши таъкиқланади.

V. Аукцион ўтказиш тартиби

23. Аукцион биржанинг аукцион ўтказувчиси томонидан қўйидаги тартибда нархнинг ошиб бориши тамойили бўйича ўтказилади:

а) аукционнинг бошланнишида аукцион ўтказувчи объектнинг қисқача тавсифи ва бошланғич нархини, аукцион ўтказишнинг асосий шартлари, шу жумладан аукцион қадами ва аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 5 банк кунидан кўп бўлмаган муддатда сотиб олинган мулкнинг ҳаки тўланишини эълон қиласди.

Баҳоловчи томонидан ўрнатилган тартибда белгиланган нарх аукцион объектининг бошланғич нархи бўлиб ҳисобланади.

Аукцион қадами кимошди савдоларини ўтказиш жараёнида объектларнинг ликвидилигига қараб шаклланадиган нархнинг 1 фоизидан 10 фоизигача микдорда белгиланади. Аукцион қадами тўғрисидаги қарор аукцион ўтказувчи томонидан аукционнинг ҳар бир обьекти бўйича алоҳида қабул қилинади. Зарур холларда, аукцион ўтказувчи аукцион жараёнида талаб ва таклифдан келиб чиқиб қадамни ўзгартириши мумкин.

Шундан сўнг, аукцион ўтказувчи тегишли обьект бўйича аукционда иштирок этиш учун рўйхатга олинган иштирокчиларнинг рўйхат рақамларини эълон қиласди. Аукцион ўтказувчи томонидан тартиб рақами айтилган иштирокчи аукционда қатнашаётганлигини тасдиқлаб рақам белгисини кўтариши лозим.

б) биринчи қадамни ҳисобга олган холда бошланғич нарх эълон қилингандан кейин аукцион ўтказувчи, ўз фикрича биринчи бўлиб тартиб рақамини кўтарган иштирокчини қўрсатади. Бошқа иштирокчилар томонидан қизиқиш билдирилганда аукцион ўтказувчи аукцион қадамини ҳисобга олиб кейинги нархни эълон қиласди.

Аукцион кимошди савдоси обьекти учун энг юқори нархни таклиф қилган иштирокчилардан бири аниқлангунга қадар давом этади.

Эришилган нарх уч марта эълон қилингандан кейин ҳам ушбу нарх учун бошқа иштирокчилар ўз тартиб рақамларини кўтармаган тақдирда аукцион якунланади. Аукцион ўтказувчи томонидан тартиб рақами охирги эълон қилинган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади.

в) кимошди савдолари якунланиши билан аукцион ўтказувчи савдога қўйилган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк сотилганлигини эълон қиласди, унинг сотилган нархи ва аукцион ғолибининг тартиб рақамини айтиади.

24. Аукцион ғолиби кимошди савдоси ўтказилган куни аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаши лозим.

Баённома уч нусхада сотиб олувчи ёки унинг вакили ва биржа томонидан имзоланади. Баённомада қуйидаги маълумотлар қўрсатилади:

автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни аукционга қўйиш учун асос бўлган ижро иш юритуви тўғрисида;

аукцион ғолиби ва бошқа иштирокчилари тўғрисида;

автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк ҳамда унинг сотилган нархи тўғрисида;

аукцион ғолибининг автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкнинг қийматини тўлаш мажбурияти тўғрисида.

Аукцион натижалари тўғрисидаги баённоманинг бир нусхаси аукцион ғолибига берилади. Иккинчи нусхаси биржада қолади, учинчи нусхаси эса сотиб олувчи томонидан сотилган мулкнинг баҳоси тўлиқ тўлангандан кейин тегишли тўлов хужжатининг нусхасини илова қилган холда суд ижрочисига юборилади.

Туман (шахар) суд ижрочилари бўлименинг катта суд ижрочиси пул маблағлари келиб тушганлигини текширгандан сўнг аукцион ғолибига берилган баённома нусхасида тегишли белги қўйиб, муҳр билан тасдиқлади.

25. Аукцион натижалари тўғрисидаги баённома ва тўлов хужжати суд ижрочисига автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни банд солишдан ечиш, шунингдек уни аукцион ғолибига бериш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Мулкни бериш суд ижрочиси ва аукцион ғолиби ёки унинг вакили томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

26. Аукцион қўйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб топилади:

а) аукционга иккитадан кам ҳаридор келса;

б) аукцион иштирокчиларидан хеч қайси бири аукцион қадамидан қатъи назар, автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни аукцион ўтказувчи эълон қилган бошланғич нархда сотиб олиш истагини билдирамаса;

в) аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолашдан бош тортса ёки белгиланган муддатда сотилган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк қийматини тўлиқ тўламаса.

27. Аукцион ўтказилмаган деб топилса, биржа такрорий аукцион ташкил қиласди ва ўтказади. Такрорий аукционлар ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

28. Автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк икки ой давомида, шу жумладан такрорий аукционларда сотилмаган тақдирда, биржа автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкнинг нархини арzonлаштириш ёки уларни қайтариш масаласини ҳал қилиш учун суд ижрочисига хабарнома юборади.

29. Суд ижрочиси хабарномани олгандан кейин уч кундан кечиктирмай автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкнинг нархини арzonлаштириш ёхуд уларни қайтариш масаласини ҳал қиласди.

Бунда, давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги ижро хужжатлари асосида, шунингдек давлат даромадига ундирувни назарда тутувчи (шу жумладан, соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига қарзлар бўйича ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги) бошқа ижро хужжатлари асосида сотиладиган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкнинг нархини арzonлаштириш суд ижрочиси томонидан молия ва солик органдари вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Бошқа ижро хужжатлари асосида сотиладиган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк арzonлаштирилмайди ва «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ кейинги ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун қайtарилади.

30. Арzonлаштириш автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулк қийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда амалга оширилади.

Арzonлаштириш тўғрисида далолатнома тузилиб, суд ижрочиси ҳамда молия ва солик органлари вакиллари томонидан имзоланади.

Давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги ижро хужжатларига асосан сотилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни арzonлаштириш тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси уларни олиб қўйган ваколатли органга юборилади.

31. Арzonлаштирилган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулк бўйича аукцион ушбу Низомда белгиланган тартибда такорий кимошли савдоси сифатида ўтказилади.

Бунда, арzonлаштирилган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк бўйича таркорий кимошли савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома уни ўтказишдан камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

32. Ижро хужжати беришга асос бўлган карор бекор қилинган ёхуд ижро хужжатининг ижроси қонунда белгиланган тартибда тўхтатилган тақдирда, аукцион уни ташкил этиш ёки ўтказишнинг ҳар қандай босқичида тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бу ҳақда суд ижрочиси зудлик билан биржага ёзма хабар бериши лозим.

Биржа аукцион тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида аукцион ўтказиш ҳақида илгари хабарнома эълон қилинган оммавий ахборот воситаларида хабар бериши лозим. Биржа, шунингдек суд ижрочисининг тегишли ёзма хабари келиб тушган кундан бошлаб 5 банк кунидан кечиктирмасдан аукционда қатнашиш истагини билдирган шахслар томонидан ўтказилган закалат пули қайтарилишини таъминлайди.

VI. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкка эгалик қилиш хуқуқини расмийлаштириш тартиби

33. Аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 5 банк кунидан кечиктирмасдан аукционда сотиб олинган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк ҳақини тўлаши лозим. Бунда, закалат пули тўлов суммасига қўшиб ҳисобланади.

Аукционнинг қолган барча иштирокчиларига аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 5 банк кунидан кечиктирмай улар ўтказган закалат пули белгиланган тартибда қайтариб берилади. Ушбу закалат пули иштирокчининг ёзма аризасига кўра такорий кимошли савдосида иштирок этиш ёхуд бошка автомототранспорт воситалари ёки кўчмас мулк савдосида иштирок этиш учун биржанинг банк ҳисоб рақамида қолдирилиши мумкин. Бунда, закалат пули ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов топширикномасига (квитанциясида) биржа томонидан ижро хужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув киритилади.

34. Биржа аукционда сотилган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк учун тўлов микдори тўлиқ келиб тушган кундан бошлаб 2 банк кунидан кечиктирмасдан ушбу пул маблағларини хизмат ҳақини ушлаб қолган ҳолда суд ижроиларининг туман (шахар) бўлими депозит ҳисобварафига, давлат даромадига ўтказилган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни сотишдан келиб тушган маблағларни эса — маҳсус ҳисобварафига ўтказиб беради.

Кўрсатиб ўтилган маблағлар ўз вактида ўтказиб берилмаган тақдирда суд ижрочисининг қарорига мувофиқ биржадан кечиктирилган ҳар бир кун учун ўтказиб берилмаган пул маблағининг 0,07 фоизи микдорида пеня ундирилади.

35. Суд ижроилари бўлимининг депозит ҳисобварафига (маҳсус ҳисобварафи-

га) автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотишдан келиб тушган маблағларни тақсимлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Аукцион ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатганлиги учун ҳак микдори биржা ва Суд департаментининг худудий бошқармаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ белгиланади ҳамда автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни сотишдан келиб тушган пул маблағининг 1 фоизидан ошмаслиги лозим.

37. Аукцион ғолиби 5 банк куни давомида автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни сотиб олмаган тақдирда, аукцион натижалари тўғрисидаги баённома бекор қилинади, кўйилган закалат пули эса қайтариб берилмайди. Бу ҳолда, шунингдек ғолиб аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, ғолиб томонидан тўланган закалат пули аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 банк кунидан кечиктирмай тўлалигича суд ижро чилари туман (шаҳар) бўлимининг депозит хисобварагига ўтказиб берилади.

Аукционни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича биржанинг харажатлари суд ижро чиси томонидан ушбу маблағлардан биржা томонидан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қоплаб берилади.

38. Аукцион натижалари тўғрисидаги баённома автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулк сотиб олинганлигини тасдиқловчи шартнома кучига эга бўлади ҳамда нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

Автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкка бўлган хукуқ тегишлича ДЙХХХ ва Ергеодезкадстр давлат қўмитаси томонидан аукцион натижалари тўғрисидаги баённоманинг туман (шаҳар) суд ижро чилари бўлимининг катта суд ижро чиси томонидан тасдиқланган асл нусхасига асосланиб рўйхатга олинади.

+

-

VII. Якуний қоидалар

39. Суд департаменти ва унинг худудий бошқармалари биржалар томонидан ижро ҳужжатлари бўйича аукцион савдоларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан доимий назорат олиб борадилар.

40. Мазкур Низомнинг бузилиши қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

41. Ушбу Низомни қўллаш бўйича келиб чиқадиган низолар суд тартибда ҳал этилади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар
хужжатларини ижро этиш юзасидан
автомототранспорт воситалари ва кўчмас
мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

БУЮРТМА

200__ йил «____» ____ -сонли шартномага мувофиқ сотиш учун
қуидаги автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк юборилмоқда.

№	Мол-мулк тури (автомототранспорт воситалари ёки кўчмас мулк)	Мол- мулкнинг асосий тавсифлари	Бошланғич нарх	Ижро хужжатининг рақами ва санаси

Сотувдан тушган маблағларни _____
банк хисобрақамига* ўтказиб беришингизни сўрайман.

Буюртмага:

1. _____;
2. _____;
3. _____;
4. _____;

илова килинади.

**Суд ижрочилари _____
туман (шаҳар) бўлимни катта суд ижрочиси**

Буюртма ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ қабул қилинди.

_____ (биржа ваколатли шахси Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (санаси)

* суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари депозит хисоб рақамлари кўрсатилади, давлат даромадига ўтказилган автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни сотишда эса маҳсус хисоб рақам кўрсатилади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

361 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомил- лаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 августдаги 366-сон қаро- рига 2-иловага ўзгартириш киритиш ҳақида

Республика Ҳукуматининг 2005 йил 29 ноябрдаги 265-сон қарорига мувофиқ
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўлла-
ри» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомил-
лаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 августдаги 366-сон қарорига 2-иловадаги «Режим
бўйича катта ёрдамчи» сўзлари «Раис ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 5 сентябрь,
189-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

362 Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсу- лотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фао-
лиятини тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг
айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» 2000 йил 25 майдаги 71-II-сон Қонунига
мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб этиладиган фаолият турлари
рўйхати тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 май-
даги 222-II-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикаси
худудида тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқа-

риш фаолиятини лицензиялашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойихаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан ву ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган Қонун кучга кирган кундан бошлаб жорий этилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 сентябрь,
190-сон

—
Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарорига
1-ИЛОВА
+

Тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Қўйидагиларни:

а) тамаки хом ашёсими саноат асосида ферментлаш;

б) тамаки маҳсулотлари (барча классдаги сигаретлар, папирослар, сигаралар ва сигариллалар)ни саноат асосида ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади.

3. Тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

4. Тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган фаолият турлари бўйича алохида-алохида берилади.

5. Тамаки хом ашёсими ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади.

6. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш,

* 2-илова берилмайди.

тўхтатиб туриш ва муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Хужжатларни қабул қилиш, улар юзасидан эксперт хулосаси ва Комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бериш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензия битимини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш учун Комиссия хузурида «Ўзстандарт» агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари мутахассисларидан ишчи гурух (кейинги ўринларда ишчи гурух деб аталади) тузилади. Ишчи гурух фаолиятига Комиссиянинг масъул котиби раҳбарлик қиласи. Ишчи гурухнинг шахсий таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

II. Лицензия бериш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) учун зарур бўлган лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар талабгорларга лицензиялар бериш учун лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) тамаки хом ашёсини ферментлаш бўйича:

тамаки хом ашёсини ферментлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, давлат стандартларига ва техник шартларга мажбурий риоя қилиш; ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик жараёнига риоя қилиш — бинолар яхлитлиги, тамаки хом ашёсини ферментланган тамаки этиб қайта ишлашни таъминловчи технологик асбоб-ускуналар мавжудлиги;

тамаки хом ашёсини ферментлашни техник назорат қилиш бўйича «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан аккредитация қилинган лабораторияларнинг мавжудлиги; тамаки хом ашёсини ферментлаш жараёнида техника хавфсизлигини, ёнгин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларини таъминлаш;

ферментланадиган тамакининг ҳар бир типи бўйича халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ва «Ўзстандарт» агентлигининг тегишли органларида рўйхатдан ўтказилган техник шартларнинг мавжуд бўлиши;

б) тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича:

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, давлат стандартларига ва техник шартларга мажбурий риоя қилиш;

ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик жараёнига риоя қилиш — бинолар яхлитлиги, хом ашёни пировард истеъмолчига сотиш учун тайёр маҳсулот этиб қайта ишлашни таъминловчи технологик асбоб-ускуналар мавжудлиги;

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариши техник назорат қилиш бўйича «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан аккредитация қилинган лабораторияларнинг мавжудлиги;

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини, ёнгин хавф-

сизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларини таъминлаш;

рўйхатдан ўтказилган (патентланган) товар белгиларининг мавжудлиги;

маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ва «Ўзстандарт» агентлигининг тегишли органларида рўйхатдан ўтказилган технологоик йўрикномаларнинг мавжуд бўлиши;

ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциз маркалари билан маркалаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжуд бўлиши;

тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда стандартлар талабларига жавоб берувчи ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган тегишли сертификатларга эга бўлган, шу жумладан импорт қилинган тамаки хом ашёсидан фойдаланиш.

8. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган талаблар ва шартлар билан бир қаторда қўйидаги шартлар ҳам ҳисобга олинади:

а) илгари берилган лицензиянинг амал қилиш даврида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилмаган бўлиши керак;

б) корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш цехлари, участкалари ва филиаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, технология йўрикномаларига, давлат стандартларига ва бошқа норматив ҳужжатларга эга бўлиши керак;

в) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитация қилинган органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак;

г) лицензиатнинг илгари берилган лицензиянинг амал қилиши даврида бюджетга ва давлат мақсадли фонdlарига тўловлар бўйича қарзлари бўлмаслиги керак;

д) фаолият даврида лицензиат маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарни янги, модернизация қилинган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшиловчи асбоб-ускуналарга босқичма-босқич алмаштирилишини таъминлаган бўлиши керак.

+

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб раками, лицензияланадиган фаолият тури (ёхуд унинг бир қисми);

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисида «Ўзстандарт» агентлигининг хulosasi;

лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талаборининг йигимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;

ишлаб чиқариш лабораториясининг «Ўзстандарт» агентлиги органларида аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нусхаси;

санитария-эпидемиология назорати органларининг ишлаб чиқариш шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисида-

ги хулосаси, шунингдек технология асбоб-ускуналарининг гигиена сертификатлари нусхалари;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги худудий органларининг ишлаб чиқаришнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ёнгин назорати органларининг ишлаб чиқаришнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

солиқ органининг бюджетга ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси (лицензиянинг амал қилиш муддати узайтирилганда);

корхонанинг Комиссия томонидан белгиланадиган шакл бўйича паспорти.

10. Лицензия талаборидан ушбу Низомда назарда тутилмаган хужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Хужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олингандиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар ишчи гурух раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган холда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабори қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиши ва лицензия бериши ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши

+

-

13. Лицензия талаборининг аризаси кўриб чиқилганини учун тўлов кунида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш хақининг беш баравари микдорида йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиқсанлик учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус хисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талаборига лицензия бериши ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талаборининг аризаси барча зарур хужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гурух ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талаборига лицензия бериши ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тасдиқлаш учун Комиссияга тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга тақдим этади. Бунда ишчи гурух, зарурият бўлганда, жойларга бориб ёки давлат тегишли органлари мутахассисларини жалб этиб ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг тақдим этилган хужжатларга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир.

Комиссия ишчи гурухнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлади. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

15. Ишчи гурух лицензия талаборини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қиласди.

Лицензия беришга қарор қилинганилиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк хисоб раками реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш ҳакида қарор қилингани тўғрисидаги билдиришнома билан бир вактда имзолаш учун лицензия шартномаси юборилади.

Лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият тури (қисми)нинг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи гурух томонидан назорат қилиш тартиби;

амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа зарур маълумотлар.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади. Лицензия битимилини лицензияловчи орган номидан ишчи гурух раҳбари имзолайди.

— 16. Лицензиялар ишчи гурух томонидан, белгиланган шаклдаги бланкаларда расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади. +

Лицензия бланкалари қатъий хисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади, хисобга олиш сериясига, тартиб ракамига ва ҳимояланганлик дараражасига эга бўлади.

Лицензия бланкаларини тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

17. Лицензия лицензия талабори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи хужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимилини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганилиги ҳакида билдиришнома юборилган (топширилган) вактдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганилигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимилини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гурухнинг мансабдор шахси хатти-харакатлари (харакатсизлиги) юзасидан қонун хужжатларida белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабго-

ри томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни тақроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гурух ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт холосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гурухнинг тақлифи олингандан кейин етти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорлари аризалари тақроран кўриб чиқилганлиги учун йифим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир хафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи гурух лицензиялар реестрига тегишли ўзgartиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи гурух томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йифим ундирилади. Йифим суммаси лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган ўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида ўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни лицензияловчи органга тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йифим ундирилади. Йифим суммаси лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ишчи гурух томонидан, қонун хужжатларида ва лицензия битимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи гурух ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганилигидан дало-лат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун хужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш хукуқига эга.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида ишчи гурух томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш учун Комиссия ёки ишчи гурух қарорига биноан «Ўзстандарт» агентлигининг ва давлат бошқа органлари инспекторлари жалб этилиши мумкин.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссия:

уч ой ва ундан кўп ойлар мобайнида бюджетга ва давлат мақсадли фонdlарига муддати ўтиб кетган тўловвлар мавжуд бўлганда — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги хulosасига биноан;

сифатсиз тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ва сотилгани аниқланганда — «Ўзстандарт» агентлиги хulosасига биноан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

31. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида кўрилган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

32. Ишчи гурух лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида кўйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-хукукий шакли, почта манзили, телефонлари;

банкдаги ҳисоб рақами ва солик тўловчининг идентификация рақами;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

ишлиб чиқарилишига лицензия берилаётган маҳсулот номи;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

33. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳакида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органдарига бепул берилади.

IX. Давлат божини тўлаш тартиби

34. Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлиб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун:


ушбу Низом 2-бандининг «а» кичик бандида назарда тутилган маҳсулотларни ишлиб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида;


ушбу Низом 2-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган маҳсулотларни ишлиб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида давлат божи белгиланади.

Лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағлари республика бюджетига ўтказилади.

Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш схемаси





Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Махкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тұғри-
сида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»
2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига 1-илованинг «Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси» бўлимига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 6-сон, 36-мод-
да) қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

- + «Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш».
- 2. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекис-
тон Республикаси КТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркор-
лик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белги-
ланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўйи-
даги мазмундаги 13-банд қўшилсин:
- 13. Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқа-
риш».
- 3. Вазирлар Махкамасининг «Этил спирти ва алкогольни маҳсулотлар ишлаб
чиқариш фаолиятини лицензиялаш тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил
30 декабрдаги 285-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон,
68-модда):
1-банднинг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова ўз кучини ўқотган деб хисоб-
лансин;
қарорга 2-илова 6-бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилин-
син:
«6. Лицензияларни бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш,
тұхтатиб туриш, тұхтатиб ҳамда лицензияларни бекор қилиш тұғрисидаги қарор-
лар Вазирлар Махкамасининг Этил спирти, алкогольни маҳсулотлар ишлаб чиқа-
риш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш
фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади)
томонидан қабул қилинади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

363 Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
6 сентябрда 905-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 16 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» ПФ-3780-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 147-сонли карори З-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқарувি **карор қиласди:**

1. Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга (2000 йил 2 март, рўйхат рақами 905) иловага* мувофиқ қўшимча киритилсин.
2. Ушбу карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга кирилсин.
3. Мазкур карор кучга кирган кундан бошлаб ҳар бир тижорат банки бир ой муддат ичida ўз кредит сиёсатига тегишли қўшимчаларни киритсин ва уни ижро этилишини таъминласин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 август,
21 / 2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

364 Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари- га топширган пахта ҳосилидан уларга тегишли бўлган пахта шелуха ва кунжарасини қайтариш тартиби тўғри- сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
7 сентябрда 1621-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 17 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишини тартиба солиш тўғрисида»ги ПҚ-360-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. «Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига топширган пахта ҳосилидан уларга тегишли бўлган пахта шелуха ва кунжарасини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом» иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.
3. Мазкур буйруқ кучга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 6 ноябрдаги «Топширилган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 223-сонли буйруги (2005 йил 7 ноябрь, рўйхат рақами 1519 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами, 2005 йил, 45-сон, 344-модда) ўз кучини ўқотган деб хисоблансан.
4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Жўраев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 август,
169-сон

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2006 йил 4 августдаги 169-сонли
бўйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Пахта етиширувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига топширган
пахта ҳосилидан уларга тегишли бўлган пахта шелуха ва
кунжарасини қайтариш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарорига мувофиқ ширкат, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари (келгусида пахта етиширувчи хўжаликлар) ихтиёрида қолдириладиган пахта шелухаси ва кунжарасини қайтариш тартибини белгилайди.

1. Пахта етиширувчи хўжаликлар томонидан амалда сотилган пахтани қайта ишлашдан ҳосил бўлган пахта кунжараси ва шелухасининг 70 фоизи улар ихтиёрида қолади.

2. «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноат» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмалари ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари, пахта шелухаси ва кунжараси маҳсулотларини қишлоқ жойларида ташкил этилган шохобчаларга етказиб беришнинг қулагийидан келиб чиқсан ҳолда пахта тозалаш корхоналарини техник чигит етказиб бериш бўйича ёғ-мой корхоналарига бириктириш дислокациясини ҳар йилнинг 1 ноябринча Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда тузади.

3. Пахтани қайта ишлаш корхоналари пахта етиширувчи хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бўйича топширилган пахта хом ашёсидан (урувлик пахтадан ташқари) ишлаб чиқариладиган техник чигитнинг кутиладиган микдори тўғрисидаги рўйхатни (реестрни) пахта тайёрлаш мавсуми тугаши билан, лекин 15 ноябрдан кечиктирмаган ҳолда вилоят «Пахтасаноат» бирлашмасига тақдим этади.

Вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси олинган маълумотларни умумлаштириб 3 кун муддатда «Ўзпахтасаноат» уюшмасига, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси вилоятлар бўйича олинган маълумотларни умумлаштириб 3 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноат» уюшмасига тақдим этади.

4. Пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой корхоналари ўзаро дислокация асосида пахта етиширувчи хўжаликларига тегишли техник чигитни айнан қайси ёғ-мой корхонасига жўнатилиши тўғрисидаги биргаликда тасдиқлаган маълумотни жорий йилнинг 21 ноябринча туман Кишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига тақдим этади, туман Кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими эса бу маълумот юзасидан 2 кун ичida пахта етиширувчи хўжаликларини хабардор қиласи.

5. Тасдиқланган реестрга асосан, ёғ-мой корхоналари пахта етиширувчи хўжаликлар билан 1 декабргача шартнома тузади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказади.

Шартномада хўжаликка хизмат кўрсатувчи шохобча номи ва манзили аниқ кўрсатилиши шарт. Бунда шохобчаларга хўжаликларни бириктиришда уларнинг ўзаро яқинлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

6. Хўжаликларга тегишли техник чигитни пахта тозалаш корхоналаридан ёғ-мой корхоналарига жўнатиш худудий «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси, пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари ўртасида тузилган шартномалар ҳамда реестр асосида амалга оширилади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқарилган жами техник чигитни ёғ-мой корхоналарига тўлиқ ҳажмда шартномага мутаносиб равища жўнатишлари шарт.

7. Ёғ-мой корхоналарига юборилаётган техник чигитнинг ҳамда уни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган ва қайтариб берилаётган пахта шелухаси ва кунжарасининг сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари ва техник шартлари талабларига мос бўлиши зарур.

Қайта ишлаш учун юборилаётган техник чигитга, шунингдек қайтариб берилаётган пахта шелухаси ва кунжарасига уларнинг мувофиқлик сертификати (шохобчалардан сотилганда нусхаси ёки кўчирмаси) илова қилиниши шарт.

8. Техник чигит микдори, қайтариб берилиши лозим бўлган пахта шелухаси ва кунжарасининг шартномада кўрсатиладиган ҳажми тасдиқланган меъёрий кўрсаткичлар асосида белгиланади, бунда меъёрий кўрсаткичлар кейинги уч йиллик ўртacha кўрсаткичдан паст бўлиши мумкин эмас. Ёғ-мой корхоналари ушбу меъёрий кўрсаткичлар асосида аниқланган маълумотларни вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва иқтисодиёт Бош бошқармаларига тақдим этади.

Олувчи талабига асосан шартномада кўрсатилган маҳсулотларнинг чиқиши ҳажмлари, техник чигитни қайта ишланган даврдаги ёғ-мой корхонасининг хақиқий кўрсаткичлари асосида қайта аниқланиши мумкин.

9. Пахта етиштирувчи хўжаликларига тегишли бўлган пахта шелухаси ва кунжараси ёғ-мой корхоналари томонидан қишлоқ жойларда ташкил этилган маҳсус шохобчалар орқали улгуржи баҳоларда сотилади.

Бунда маҳсулот улгуржи баҳосига маҳсулотни шохобчагача ташиб келтириш ва шохобчаларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар киритилмайди.

Ёғ-мой корхоналари туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда ҳар бир тумандаги пахта етиштирувчи хўжаликлар сони, худудий жойлашувидан келиб чиқсан ҳолда пахта шелухаси ва кунжарасини сотиш учун бир ёки бир нечта шохобчалар очади.

10. Ёғ-мой корхоналари пахта етиштирувчи хўжаликларига тегишли бўлган пахта шелухаси ва кунжарасини сотиш шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Пахта етиштирувчи хўжаликларга пахта шелухаси ва кунжараси, улар олишлари лозим бўлган маҳсулот микдорига нисбатан мутаносиб равища ойма-ой график асосида тақсимланиб, тўлиқ ҳажмда сотилади.

11. Ширкат ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг пурратчи ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларига тегишли бўлган пахта шелухаси ва кунжараси, микдори кўрсатилган ва хўжалик раҳбари томонидан тасдиқлаган рўйхат асосида уларнинг ширкатдаги улуши ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

12. Пахта етиштирувчи хўжаликларининг топширифига биноан ёки ишончномалари бўйича уларга қайтариладиган пахта шелуха ва кунжарасини бошқа хўжалик юритувчи субъектларга сотилиши тақиқланади.

Пахта етиштирувчи хўжаликлар тегишли бўлган пахта шелухаси ва кунжарасини сотиб олишни ёзма равища рад этган тақдирда, ёғ-мой корхоналари уларни чорва маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига сотиш мақсадида Республика товар хом ашё биржаси савдоларига қўйишлари мумкин.

13. Пахта етиштирувчи хўжаликларига етказиб бериладиган ҳамда берилган пахта шелухаси ва кунжарасини сотиш ҳажмлари, муддатлари ва сифати бўйича мониторинг юритиш туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан амалга оширилади ва ҳар ойнинг 3 кунигача вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма-

сига мониторинг натижаларини тақдим этади. Вилоят Қишлоқ ва сув бошқармаси олинган маълумотларни умумлаштириб ҳар ойнинг 5-кунигача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноат» уюшмаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси билан келишилган

Иқтисодиёт вазири ўринбосари А. САЛИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август

«Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноат» уюшмаси раиси М. ФОФУРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э. ЗИКРИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август

Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август

—

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 2 сентябрдан 8 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан кўйиладиган талаблар тўғрисида низомга кўшимча киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 26 августдаги 21 / 2-сонли қарори.

2006 йил 6 сентябрда 905-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 сентябрдан кучга киради).

2. «Пахта етиширувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига топширган пахта ҳосилидан уларга тегишли бўлган пахта шелуха ва кунжарасини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 4 августдаги 169-сонли буйруғи.

2006 йил 7 сентябрда 1621-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 17 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Топширилган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (2005 йил 7 ноябр, рўйхат рақами 1519).

Адлия вазирининг 2006 йил 7 сентябрдаги 154-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

—

+